VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

5 (66) 2010 йил 3 февраль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



**Йил сарҳисоби: камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади**

Албатта фаолиятимизни сарҳисоб қилишда уни чуқур таҳлил қилиб, холис, танқидий баҳоласаккина эришган ижобий натижаларимиз билан бирга йўл қўйган камчиликларимиз ҳам янада яққолроқ кўзга ташланади.

2-бет



**АҚШ конгрессининг фаолияти**

АҚШ Конституциясининг 1-моддасига кўра барча қонун чиқариш ҳуқуқлари Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат Конгрессга берилган. Асосий қонунда белгилаб қўйилганидек, Сенат ҳар бир штатдан икки вакилдан таркиб топади.

7-бет



**Чанқовузда куйлаган қиз**

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор туфайли йигит-қизларимиз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қаҳрамонимиз Умида Сувонова ҳам ана шундай ёшлар сирасидан.

8-бет

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРЛАМЕНТ 2-бет
Йил сарҳисоби: камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади
ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
Ғоя ва дастурлар кураши
Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият
ФАН, МАДАНИЯТ, ТЕХНОЛОГИЯ 4-бет
Фан ва ишлаб чиқариш
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Ўзбегимнинг мард ўғлонлари
Тоғ бағридаги мақбара
ЖАРАЁН 6-бет
Миллий мақомга эга университет
Ёшлар ҳуқуқий маданияти
Олти мингта янги иш ўрни очилди
Соғлом фарзанд — соғлом келажак
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Энг машҳур музейлар
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
Тақдимот
Турфа олам

ЙИЛ ДАСТУРИ

## Баркамол авлод — тараққиёт омили

### МАМЛАКАТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНМОҚДА



***Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман.***

**Ислом КАРИМОВ**

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари бизни мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътиборни янада теранроқ англашга ундайди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда соғлом мафкурали, маънавий баркамол авлодни шакллантириш мақсади йўлида ижтимоий соҳада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, улар баркамол авлодни камол топтириш каби стратегик мақсадга йўналтирилгандир.

(Давоми 5-бетда)

ЎзМТДП ҲАЁТИ

## Ижроия қўмита йиғилиши

### УНДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР, САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ВА ПАРТИЯНИНГ 2010 ЙИЛДАГИ ИШ РЕЖАСИ ҲАМДА "БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан партия ташкилотлари, партия фракцияси ва депутатлик гуруҳларининг иш режаси атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни бошқарган партия раҳбари Ахтам Турсунов, энг аввало, партия ташкилотлари фаолиятини Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқиб жиддий танқидий таҳлил қилиш лозимлигига алоҳида урғу берди. Партиялар ва фракциялар ўртасида ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса партия ўзи таянадиган ижтимоий қатлам манфаатлари уйғунлашган дастурларни амалга ошириш шунчалик мувфақиятли кечиши, маърузада алоҳида таъкидланганлигига йиғилиш иштирокчилари эътибори қаратилди.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнларига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган бўлсада, бундай имкониятдан етарли даража фойдалана олмаяпмиз, деб таъкидланди йиғилишда.

Партиянинг сайловда иштироки ва унинг натижалари ҳамда партиянинг 2009 йилдаги фаолияти хусусида гапирар экан, партия раҳбари, ушбу масала ЎзМТДПнинг яқинда бўладиган пленумида муҳокама қилиниши ва ҳозирданоқ бу борада жиддий чора-тадбирлар белгиланаётганлиги хусусида ахборот берди.

Ижроия қўмита аъзолари партиянинг 2010 йилдаги фаолият режасини атрофлича муҳокама қилишди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган ҳамда Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партия олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб партия фаолият режасини янада кучайтириш масалалари устида тўхталди.

Йиғилишда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Ижроия қўмитаси девонининг 2010 йил учун ташкилий тузилмаси ҳамда штатлар жадвали лойиҳалари тўғрисида партия МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари У.Муҳаммадиев ахборот берди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан партия МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Э.Юсупов, Ижроия қўмитаси аъзолари Б. Ҳасанов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдиришди.

Партия МК Ижроия қўмитаси йиғилиши кун тартибидан жой олган барча масалаларни Марказий Кенгаш пленумида кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

МУНОСАБАТ

## Ўзбекистон ташаббусларининг амалий ифодаси

### МИНТАҚАМИЗДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЮРТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Бугунги кунда мамлакатимиз жамоатчилиги ва хорижда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузалари кенг муҳокама қилинмоқда ва шарҳланмоқда. Маърузада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга 2009 йил 27 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар **"бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёни, ҳақиқатан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганлиги"** алоҳида таъкидлаб ўтилди. Энг муҳими Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янгитдан сайланган таркибининг кенг кўламли вазифалари белгилаб берилди. Айниқса, **"Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир"** деб таъкидлаб, давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосига яна бир бора барчамизнинг эътиборимизни қаратдилар.

(Давоми 2-бетда)

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ СЎЗ СЎРАЙДИ

## Ғоя ва дастурлар кураши

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маълумки, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаёти билан боғлиқ муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар муваффақиятли якунланиб, янги таркибдаги парламент шакллантирилди. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида мазкур сайловлар мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, маърузада сиёсий партиялар ва Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолияти талабчанлик руҳида, танқидий таҳлил этилиб, парламент ва сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда Президентимиз маърузасида кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар ЎзМТДПнинг барча бўғиндаги ташкилотлари ва Қонунчилик палатасидаги фракциясида кенг муҳокама этилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# СИЁСАТ

## ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

***Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларига эришиши учун кенг имкониятлар очиб берилди. Энг аввало, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминловчи қонунлар қабул қилиниб, кўппартиявийлик тамойилига асосланган сайлов тизими яратилди.***

# Йил сарҳисоби: камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади

**Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бугун сиёсий партиялар жамият ҳаётининг, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг том маънодаги иштирокчисига айланмоқда. Партияларга берилаётган бу каби ваколатларни таъминловчи омил сифатида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий Қонунни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Хўш, шу нуқтаи-назардан умумпартиявий фаолиятимиз айни дамда олдимизга қандай муҳим вазифаларни қўймоқда? Вазифаларни аниқ белгилаш ва амалда бажариш учун ишимизни қайси жиҳатдан баҳоласак тўғри бўлади?

Албатта фаолиятимизни сарҳисоб қилишда уни чуқур таҳлил қилиб, холис, танқидий баҳоласаккина эришган ижобий натижаларимиз билан бирга йўл қўйган камчиликларимиз ҳам янада яққолроқ кўзга ташланади. Бундай ёндошув эса бизни эришган ютуқларимиз билан бирга хатоларимизни ўз вақтида англаш, унинг сабаблари ва бартараф этиш чора-тадбирларини ўз вақтида излаб топишга ундайди.

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижалари ва улардан биз чиқаришимиз керак бўлган муҳим хулосалар ҳамда Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида белгиланган вазифалар ҳам партия ташкилотлари фаолиятини жиддий, танқидий кўриб чиқишни тақозо этади.

Шу ўринда ЎзМТДПнинг жойлардаги фаолияти, хусусан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ва унинг таркибига кирувчи туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ўтказаётган тадбирларнинг сони, савияси, самарадорлигига қай даражада эътибор қаратилаётганлиги ҳамда сайлов натижалари ва улардан келиб чиқадиган хулосаларга тўхталсак.

Дарҳақиқат, юртимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланиб бормоқда. Жамиятни демократлаштириш эса тафаккурни янгилашдан бошланади. Таъсирчан тадбирлар одамлар дунёқараши ва тафаккурида анча-мунча ижобий ўзгаришлар ясаши бизга сир эмас. Чунки турли сиёсий жараёнлар, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсири ўлароқ, юртдошларимизнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Қувонарлиси шундаки, халқимиз мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларга шунчаки кузатувчи эмас, балки дахлдорлик туйғуси, масъулият ҳисси билан қарамоқда.

Айни пайтда 14 туман, 1 та шаҳар, 388 та бошланғич партия ташкилотлари ва 14091 нафар аъзоларни ўз атрофига бирлаштирган партия вилоят кенгаши томонидан ўтказилган “Қишлоқ тараққиёти – юрт истиқболи”, “Тинчлик ва барқарорлик тараққиёт гарови”, “Одам савдосига қарши курашайлик”, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Глобаллашув жараёнларида ёшларнинг ўрни” каби тадбирлар ва бир қатор спорт мусобақалари бу борада ўзига хос ўрин тутади дейиш мумкин. Вилоят бўйича ўтказилган тадбирлар сони 2009 ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида 600 дан ошганлигини қайд этиш лозим. Аммо бу сон сифат ва кутилган натижа билан тўлалигича тенглаша олади, деб бўлмайди. Бу борадаги таҳлиллар айрим туман партия кенгашлари фаолияти юзакичилик, айрим ташкилот, муассасалар панасида иш олиб боришдан иборат бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг деярли барчаси партия нашрида мунтазам ёритилади. Охирги вақтларда тадбирлар тўғрисида олаётган маълумотларимизда партия билан бирга бирор ҳамкор ташкилотлар номи ҳам зикр этиладиган бўлди. Тўғри, партия иш режасида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш алоҳида эътиборга олинган. Аммо бу ерда гап ташаббуснинг кимдан чиқишида ва тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсаднинг нечоғлик партия Дастури ва ғояларига яқинлиги ҳамда сифати ҳақида бормоқда.

Партия ишига ўзибўларчилик кайфияти ва масъулиятсизлик билан ёндошиш ҳоллари ЎзМТДП Жарқўрғон, Олтинсой, Бандихон ва Қизириқ туман кенгашларининг бир йиллик ҳисоботидаги номигагина ўтказилган бир нечта тадбирлар кўринишида намоён бўлади. Бундай аҳволдаги фаолият партиямиз ғоя ва мақсадлари ушбу ҳудудларда қай даражада ҳаётга татбиқ этилаётганини кундек равшан қилади. Бу билан биз соннинг ортидан қувиб, сифатни унутиш керак деган фикрни келтириб чиқаришдан йироқмиз. Лекин партия йил бошидан бир йилга мўлжалланган иш режасида тадбирларнинг сони, мавзуси, жойи ва мақсади юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб қўйишини, ундан ташқари партия фаолларининг ташаббуслари билан улар йил давомида янада бойитиб борилиши лозимлигини унутиб қўймаслик керак. Дунё аҳли ғоят мураккаб ва таҳдидларга тўла замонда яшаётган бир даврда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадри, мустақиллик бераётган имкониятлар, бу неъматни кўз қорачиғидек асраш, Ватан олдидаги бурч ҳақидаги тушунчаларни одамлар онги ва қалбига сингдиришда тадбирлар ўтказиш орқали олиб борилаётган, фаолиятимизнинг асосини ташкил этадиган тарғибот-ташвиқот ишларимиз муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, ушбу йўналишда эришадиган натижаларимиз сон билан сифат уйғунлигини таъминлаши керак.

Маълумки, партиянинг халқ орасида нуфузининг ошишида партиядан сайланган депутатлар алоҳида рол ўйнайди. ЎзМТДП ўз фаолиятида партиядан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари билан иш олиб бориш, уларни партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ижросида фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда депутатларимизнинг ваколат ва имкониятларидан халқимиз манфаатлари йўлида унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Партия вакиллари жойларда ўтказилаётган тадбирларда одамларни қизиқтираётган масалалар ва таклифларини ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топишда депутатлар кучига таянмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар партия таянадиган ана шу кучни янги таркибда шакллантириб берди. Хусусан, вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгашига 6 нафар, туман кенгашларига 51, шаҳар кенгашига 4 нафар депутат сайланди. Ушбу натижаларни партиянинг ўтган беш йиллик фаолиятига берилган муносиб баҳо деб изоҳлаш ўринли бўлади.

Мазкур партия вилоят ташкилотининг сайловлардан чиқарган сабоқлари қандай бўлди? Ушбу саволга сайловларга тайёргарлик кўриш, номзодлар захирасини мустаҳкамлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйган айрим туман кенгашлари фаолияти мисолида жавоб бериш мумкин. Жумладан, халқ депутатлари Жарқўрғон туман кенгаши депутатлигига 30 та сайлов округидан 14 тасига номзод кўрсатилган ва уларнинг ҳеч бири депутатлик ваколатини қўлга кирита олмаган. Худди шундай кўрсаткични 30 та депутатлик ўрнига 21 нафар номзоди билан иштирок этган Олтинсой туман кенгашида ҳам кузатиш мумкин. Ёки Бандихон туман кенгашига 25 та сайлов округига 7 нафар, Қизириқ туман кенгашига 30 та ўриндан 13 тасига номзод кўрсатилиб, 1 нафардан депутат сайланган. Бундай натижаларнинг ўзи мазкур туманларда сайловларда бизга овоз берадиган электоратни шакллантириш, партия Дастури ва ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари ҳамда ижтимоий қатламимиз манфаатларига хизмат қиладиган амалий саъй-ҳаракатлар кўлами қай даражада йўлга қўйилганлигини изоҳлашга ҳожат қолдирмайди.

Бироқ эндиликда бор куч ва салоҳиятимизни партия Дастури, сайловолди платформасида белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашга сафарбар этиш талаб этилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоиз бўлган бир жиҳат борки, маҳаллий кенгашлар депутатларининг иш фаолияти партия ташкилотлари билан чамбарчас боғланмас экан, партия дастурий мақсадларини тўлақонли ҳаётга татбиқ этишда кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

## МУНОСАБАТ

# Ўзбекистон ташаббусларининг амалий ифодаси

## МИНТАҚАМИЗДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЮРТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ён қўшнимиз Афғонистонда содир бўлаётган кейинги воқеалар мамлакатимизда ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш жафокаш афғон халқи тинкасини қуритгани ҳам рост. Вайроналар остида кўмилиб ётган, иқтисод бутунлай издан чиққан, сиёсий, ижтимоий муаммолар кескинлашиб кетган Афғонистон аслида учинчи давлатларнинг геосиёсий ўйинлари қурбони бўлганлигини бугун дунё аҳли яхши билади. Хўш, охири кўринмаётган афғон можаросини қандай ва нима ҳисобига ҳал қилиш мумкин? Афғонистонда кескин вазиятнинг сақланиб қолишидан кимлар ва нима учун манфаатдор? Ёки бу давлатда мустаҳкам ва барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор мамлакатлар қандай мақсадларни кўзлашмоқда?

Бундай мураккаб саволлар Ўзбекистон раҳбариятини доимо ўйлантириб келаётганлиги ва бу борада Президентимиз бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сураётганлигига гувоҳмиз. Воқеалар силсиласига тадрижий нуқтаи назардан разм соладиган бўлсак, халқаро терроризм ва диний экстремизм эндигина учқунлай бошлаган ўтган аср 90-йиллари бошида, яъни 1993 йилдаёқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов энг юксак халқаро минбар – БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб, бир қатор амалий таклифларни илгари сурган эди. Шу нарсани аввалбошданоқ алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, мамлакатимиз халқаро миқёсда олиб борилаётган аксилтеррор ҳаракатларни қўллаган ҳолда – Ўзбекистон ҳамиша ҳамда ҳамма вақт Афғонистон муаммосини тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш тарафдори бўлиб келди. Ва бугун ҳам шу позициясидан ортга чекингани йўқ. БМТ шафелиги остидаги “ 6+2” гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган “Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси”да ҳам мамлакатимизнинг афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ғояси мужассам эди.

*Ўзбекистон ташаббусларининг моҳияти ҳақида гапирганимизда, аввало афғон халқини тинч меҳнатга қайтариш, яъни биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, мамлакат инфратузилмасини тиклашни Юртбошимиз асосий ўринга қўймоқдалар.*

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Минг йиллик Ассамблеясида давлатимиз раҳбари **“...минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги”**ни алоҳида таъкидлаб **“Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея “ўзга” давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир – бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир”** деб халқаро жамоатчиликни ўша пайтда Афғонистонда вужудга келган ниҳоятда таҳликали вазиятдан огоҳ этган эди. Орадан бир йил ўтиб, машъум 11 сентябрь воқеалари бу огоҳлантириш қанчалик ҳаётий асосга эга эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммити минбаридан янграган эди. Давлатимиз раҳбарининг НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарестда ўтган саммитида эса БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича “6+2” гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида “6+3” шаклида қайта тиклаш ташаббуси ва афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигини биринчи бўлиб илгари сурганлиги дунё жамотчилиги томонидан қизғин кутиб олиниб, қўллаб-қувватланган эди. Бугунги кунга келиб Афғонистон бўйича ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманларда бундан икки йил бурун Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ғояларни айрим давлатлар вакиллари “афғон муаммоси ечимига янгича ёндошув” сифатида ўз номларидан айтмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлари ва БМТ, НАТО, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар анжуманларидаги нутқларини кўздан кечирар эканмиз, Афғонистонни халқаро ва минтақавий ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш, бу мамлакатни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга изчил эътибор бериб келаётганликларига шоҳид бўлишимиз мумкин. Шу ўринда, Афғонистон муаммосини ҳал қилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ҳам жалб қилиб, мазкур халқаро тузилма имкониятларини ишга солишни ҳам 2001 йилнинг июнь ойидаёқ биринчи бўлиб Президентимиз таклиф қилган эдилар: **“Афғон муаммосини ҳал қилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг салоҳиятидан фойдаланиш, айтиш мумкинки, унинг бошини бу ишга қўшиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан шу ташкилотга аъзо давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан бошқалардан ҳам кўра манфаатдорроқдир”.**

Ўтган йил 9 май куни Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосига жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир бор қаратиб, **бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини** алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мана шу фактлардан ҳам кўриниб турибдики, юқорида айтганимиздек, биринчидан, Ўзбекистоннинг Афғонистон борасида илгари сураётган ташаббусларида муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш ғояси устунлик қилади. Иккинчидан, Президентимиз илгари сураётган ташаббуслар реал асосга эга ва у Афғонистондаги мавжуд вазиятни чуқур таҳлилига асосланади.

Ўзбекистон ташаббусларининг моҳияти ҳақида гапирганимизда, аввало афғон халқини тинч меҳнатга қайтариш, яъни биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, мамлакат инфратузилмасини тиклашни Юртбошимиз асосий ўринга қўймоқдалар. Чунки, 1979 йилдан буён давом этаётган бу уруш туфайли, катта бир авлод таъбир жоиз бўлса қўлида қурол билан туғилиб, уруш олови ичида вояга етди. Бу авлод қурол ишлатишдан бошқа нарсани билмайди ва кўрмаган ҳам. Мамлакатдаги бошбошдоқлик, ички ва ташқи низолар туфайли одамлар онгида ҳамма нарса фақат қурол ва куч воситасида ҳал қилинади деган тушунча ўрнашиб қолган. Ана шундай шароитда, аввало афғон ёшларининг қўлидан қуролни олиб уларни яратувчилик ва бунёдкорлик меҳнатига қайтариш бош вазифа бўлиб қолмоқда.

БМТ маълумотларидан маълумки, бугунги кунда дунёда етиштирилаётган 90 фоизга яқин наркотик моддалар Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса иккита йирик муаммони келтириб чиқармоқда. Биринчидан, наркотик моддаларни ноқонуний етиштириш ва сотишни авж олдириб, миллионлаб одамлар умрига завол бўлаётган бўлса, иккинчидан, халқаро терроризм ва диний экстремизмни молиявий томирига сув қуймоқда. Президентимиз сўзлари билан айтганда: **“Агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлар халқаро терроризмнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро терроризмнинг молиявий таянчидир”.** Шу боис афғон қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва энг муҳими ғалла, пахта, мева-сабзавот етиштириш орқали ҳам тирикчилик қилиб, рўшнолик кўриш мумкинлигини амалда исботлаш зарур. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин. Шу ўринда, Афғонистондаги ҳарбий операциялар учун халқаро коалицион кучлар ўн миллиардлаб доллар сарф қилаётганлигини эслаш жоиз. Агар шу маблағнинг тенг ярми мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланганда эди, бугун Афғонистонда тамоман бошқа манзарага гувоҳ бўлардик.

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу муаммо ечимига қаратилган яна бир ташаббуси – кўпмиллатли афғон халқининг диний, миллий-маънавий қадриятлари ва урф-одатларини, тарихини топташ эмас, ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларидан маълумки, аксилтеррор операциялари чоғида, коалицион кучларнинг қўпол хатолари туфайли тинч аҳоли, болалар ва қариялар бомбалар, снарядлар остида қурбон бўлмоқда. Бу эса оддий одамларда халқаро кучларга нисбатан ишончсизлик пайдо қилмоқда. Бунга мисол тариқасида, яқинда Афғонистон ғарбида содир бўлган ва кўплаб тинч аҳолини ҳалок бўлишига олиб келган машъум воқеани эслаш кифоя.

Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари билан бирга мамлакатни тиклаш бўйича халқаро миқёсда ҳаракатлар ҳам бошланган эди. Орадан саккиз йилдан зиёд вақт ўтган бўлишига қарамасдан, бу борада сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти. Чунки, хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро кузатувчиларнинг фикрича донор мамлакатлар томонидан ажратилаётган маблағларнинг катта қисми порахўрлик туфайли талон-тарож қилинмоқда. Яқинда Афғонистон ҳукумати тарқатган хабарга кўра, берилган халқаро ёрдамнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи маблағ бутунлай изсиз йўқолган. Афғонистонда “тиклаш” ишларини олиб бораётган хорижий компаниялар ходимлари маоши 200-300 минг АҚШ долларини ташкил этиши, мактаб, касалхона, йўл қурилиши учун ажратилган маблағнинг қарийб 40 фоизи компания фойдаси сифатида яна донор мамлакатнинг ўзига қайтиб кетаётганлиги ниҳоятда ачинарли ва ташвишли ҳолдир.

*Мамлакатимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгилаган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этади.*

Бу борада ҳам мамлакатимиз ўз таклифларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб, афғон халқига йўл ва кўприклар қурилишида, озиқ-овқат ва энергетика таъминотида яқиндан ёрдам бермоқда. Шу ўринда, Афғонистонга хорижий давлатлардан берилаётган гуманитар ёрдам ва ушбу мамлакатдаги халқаро коалицион кучларни ноҳарбий маҳсулотлар билан таъминлашда Ўзбекистон беқиёс ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Юклар қайси мамлакат ҳудудидан ўтиб келмасин, охир-оқибат Ўзбекистонга келиши аниқдир. Чунки, фақат Ўзбекистон Афғонистон билан темирйўл орқали боғланган. **“Шу кунларда,-** деб таъкидладилар Президентимиз ўз маърузаларида, **- Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан “Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф” темирйўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади”.**

Албатта, афғон можароси ушбу давлатнинг қўшниси Покистондаги умумий сиёсий вазиятга бевосита боғлиқ. Воқеалар ривожи шуни кўрсатмоқдаки, бу икки давлатнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирмасдан ва ўзаро қалин ҳамкорликсиз ҳамда муаммога нисбатан ягона тўхтамга келмасдан туриб уни ҳал қилиб бўлмайди. Ядро қуролига эга Покистондаги умумий вазият кейинги икки йил давомида ниҳоятда кескинлашиб кетди ва мамлакат сиёсий беқарорлик кўчасига кириб бормоқда. Бир томондан халқаро террорчи гуруҳларининг фаоллашуви, иккинчи томондан эса мамлакат сиёсий кучлари ўртасидаги муросасиз кураш бутун минтақага, айниқса Афғонистонга катта хавф солмоқда.

Афғонистон муаммосини Марказий Осиё ва миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилсак – бу можарони ҳал бўлиши жуда катта салоҳиятга эга минтақа учун эса дунё бозорига чиқишда кенг имкониятлар эшигини очиши табиий. Биринчидан, минтақада барқарорлик таъминланса, иккинчидан, биз учун энг яқин денгиз портига чиқиш имконият яратилади. Шу боис, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бу муаммони тезроқ ҳал бўлишидан минтақа давлатлари ҳаммадан кўра ҳам манфатдорроқдир. Лекин, ҳозир ғарбда ҳам, шарқда ҳам ҳали шундай сиёсий кучлар борки, улар ўзларининг узоқни кўзловчи геосиёсий ва геостратегик мақсадлари йўлида Афғонистонда ҳали-ҳамон кескинлик сақланиб қолишини истайдилар. Улар биринчидан, афғон беқарорлиги билан Марказий Осиё давлатларини муқобил транспорт-коммуникация тармоқларига чиқишини тўхтатиб туришни кўзласалар, иккинчидан Афғонистондаги уруш, халқаро террорчилар хуружи воситасида минтақага сиёсий босим ўтказиш ёки талаб қўйишни кўзлайдилар. Учинчидан эса, яна шундай кучлар борки, бу қирғинбарот урушни қурол савдоси бўйича мўмай даромад олиб келадиган бизнесга айлантириб ҳам олганлар.

Бугун, дунёнинг узоқ-яқин бурчакларида афғон фожиасини гўё ўзига яқин олиб лоф ураётган айрим сиёсатчилар ҳам бор. Ички вазиятни чуқур билмасдан ёки билиб турса ҳам ўзининг тор манфаати йўлида турли ҳавойи “таклиф”лар ниқобида афғон оловига ўт қалашга интилаётган кучлар аслида Афғонистон халқининг бирлиги ва аҳиллигига раҳна солиб, мамлакатдаги ижобий ўзгаришларнинг йўлига тўсиқ бўлишмоқда. Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан олиб борилаётган эзгу ҳаракатлар билан бирга, афсуски, ана шундай ўйинларни давом эттиришни хоҳлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ қардош ва жафокаш афғон халқининг бошига тушган мусибатларга ҳеч қачон бефарқ бўлмади. Ҳамиша, бу ўлкада тезроқ тинчлик ўрнатиш, қон тўкишни олдини олиш, мамлакатни тиклаш, одамларни иш билан таъминлаш, давлат тизимларини барқарор ишлаши тарафдори бўлиб келди ва ушбу позициясидан чекингани йўқ.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгилаган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этади.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича Президентимиз сиёсати ва фаолиятини кенг жамоатчилик ва ЎзМТДП ижтимоий қатлами ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш, партия ташкилотлари эса ўзларининг амалий фаолияти билан халқимиз ва мамлакатимиз келажагига дахлдор бўлган бу эзгу ишга ҳисса қўшиш учун бутун куч ва имкониятини сафарбар этади.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**
**ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ СЎЗ СЎРАЙДИ**

## Ғоя ва дастурлар кураши

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

**Акмал РАҲМОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



- Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида сайловларда муносиб қатнашиб, халқимизнинг катта синовидан ўтган сиёсий партиялар Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айланишга интилаётганлиги, сиёсий партиялар учун бундай имкониятларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва қонунлар амалда ўз тасдиғини топаётганлигига кенг тўхтаб ўтилди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли кучайди.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг фаолияти тубдан ўзгарди. Аммо, маърузада таъкидланганидек, минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб жараёнлар, мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлатни қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсий партиялар зиммасига бир-биридан масъулиятли вазифаларни юклайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида ушбу масалаларнинг барчаси парламентимиздан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса авваламбор улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришни талаб этиши алоҳида эътироф этилди.

Президентимиз маърузасида сиёсий куч сифатида ўз электоратимизни ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ чораларни излаб топиш, ғоя ва дастурий мақсадларимизни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, ижросини таъминлаш, парламент роли, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирини кучайтириш Қонунчилик палатасидаги фракциялар ўртасидаги рақобат, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар кескин, кучли, жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилишига боғлиқлиги аниқ хулоса ва таклифлар асосида кўрсатиб ўтилди. Бундай соғлом рақобатга қурилган кураш ўз олдимизга қўяётган мақсад-муддаоларимизга эришиш, зиммамиздаги вазифаларни амалда бажаришимизга самарали йўл очиши шубҳасиз.

Шунингдек, маърузадан келиб чиқиб айтиш жоизки, жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга тўсқинлик қилаётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партияларaро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш борасида ҳали тажриба ва ташаббуслар етишмаяпти.

Президентимиз маърузасида Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ўтган даврдаги фаолиятига талабчанлик руҳида, танқидий билдирилган баҳо ўз фаолиятимизни тубдан ўзгартириш ва олдимиздаги вазифаларимизни, уларни амалга ошириш механизмларини пухта кўриб чиқишни талаб этади.

**Олимжон ЎСАРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



- Юртбошимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти олдида турган устувор вазифаларга бағишланган дастурий маърузасини катта қизиқиш билан тингладик. Дарҳақиқат, қонунларнинг қўлланилиши амалиётини ўрганиш, парламент назоратининг турли шаклларидан фойдаланиш қонун чиқарувчи орган фаолиятининг аниқ мақсадларга эга бўлган ғоят муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу маънода, Олий Мажлис палаталарининг назорат фаолияти борасида Президентимиз маърузаларида билдирилган танқидий муносабат ва мулоҳазалар жуда ўринлидир. Чунки Парламент назоратининг амалий аҳамияти шундаки, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиш даражасини ўрганиш, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатларига амал қилиш масъулиятини оширишга кўмаклашади.

Демак, парламент назоратининг барча шаклларига алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг самарадорлигига эришиш, жумладан, парламент назорати бўйича олиб борилган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш ва бундан жамоатчиликни етарлича хабардор қилиш, энг муҳими, парламент назорати жараёнида аниқланган камчиликларни ҳал этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш орқали норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Маърузада қайд этилганидек, парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар фракциялари алоҳида ўрин тутади. Чунки палатанинг ҳар бир қўмитаси таркибини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ташкил этади. Қўмита фаолиятида уларнинг бевосита иштироки мавжуд, бироқ қонунлар ижроси назорати олиб борилганда фракция аъзоларининг ўз сиёсий партияси манфаатини ёқлаш, дастурий вазифалари юзасидан ташаббуси деярли намоён бўлмаяпти.

Шунингдек, қуйи палатанинг назорат фаолиятида фракцияларнинг фаоллиги фақат бир йўналишда кўзга ташланмоқда. Яъни, сиёсий партиялар фракциялари жамиятда содир бўлаётган муаммоли масалалар бўйича комиссиялар тузиш ва текшириш билангина чекланмоқда. Қўмиталар томонидан олиб борилган назорат-таҳлил ишини ўрганиб бориш ва унинг натижалари юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этишда зарур таклифлар билан чиқиш борасида фракцияларнинг оқсаётганлигини ҳам тан олишимиз керак. Сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун интилиши, масалан партиямиз фракцияси миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асраб-авайлашга қаратилган аниқ хатти-ҳаракатлари билан ҳукуматга, тегишли масъул шахслар ва идораларга таклифлар киритиши, мансабдор шахслар билан музокаралар, зарур ҳолларда парламент сўрови ўтказиши ҳар жиҳатдан зарурдир.

Айтиш лозимки, сиёсий куч сифатида олдимизга қўяётган ғоя ва мақсадларимизни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда, маърузадан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда Қонунчилик палатасидаги фракцияларaро рақобат, сиёсий партиялар ўртасидаги профессионал ва амалий негизда олиб бориладиган баҳс-мунозаралар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай фаоллик, ташаббускорлик ва самарага эришиш эса биздан ўз устимизда тинимсиз ишлаш, билим ва салоҳиятимизни ошириб бориш, халқимизнинг юксак ишончига муносиб бўлишдек масъулиятни бир дақиқа ҳам унутмасликни тақозо этади.

**Мавлуда АЛИМОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



- Президентимизнинг мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган маърузасида энг аввал муҳим синовлардан ўтиб, парламентга сайланган халқ вакилларининг мана шундай масъулиятли ўринларга муносиб деб топилиши сайловчилар билдирган юксак ишонч ифодаси эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундай ишонч ва зиммамиздаги масъулиятнинг нечоғли юксаклигини Президентимиз маърузасини тинглаб, янада чуқур англадик, десам муболаға бўлмайди. Маърузада ҳақиқий депутат қандай бўлиши керак, деган савол ўзининг аниқ ва лўнда жавобини топди. Бу борада энг асосий мезон халқ билан бирга иш кўриш эканлиги тилга олинди. Албатта, бу сўзларнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассамлигини ҳар бир депутат чуқур ҳис қилиши лозим.

Шунингдек, Юртбошимиз икки палатали парламентимизнинг дастлабки беш йиллик фаолиятига тўхталиб ўтар экан, эришилган ютуқлар эмас асосий эътиборни олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган масалалар, қонунчилик тизимини бундан-да мустаҳкамлаш учун қилиниши лозим бўлган муҳим йўналишларга қаратдилар. Қонунлар яратишда мақсадли режаларни белгилаб олиш, депутатлар ташаббускорлигини ошириш, қонунлар ҳаётийлигини таъминлаш, парламент сўровини кучайтириш, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари ўртасида ягона мақсад йўлидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби масалаларда олдимизга янги вазифалар қўйилди. Мазкур йўналишларда белгиланган вазифаларни фаолиятимизда амалий ишларимиз билан акс эттиришимиз Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини, ҳаётийлигини таъминлашга, парламент ва сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳамда халқимиз ҳаётидаги ўрни ва ролининг кучайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, давлат ва халқ манфаатлари қамраб олинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинган улкан ишларни давом эттириш, уларни мазмунан бойитиб, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз лозим. Чунки биз эришган даража — депутатлик вазифаси биздан фаолиятимизда ана шундай фаол, ташаббускор ва фидойи бўлишни талаб этади.

**Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

---

**ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ БИР ҲАФТА ИЧИДА**

## Тадбирлар мақсади

### ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛДИ

**Тўмарис АЪЗАМ, “Milliy tiklanish”мухбири**

ЎзМТДП Булунғур туман кенгаши Ижроия қўмитаси миллий ҳунармандчилик коллежида “Касбим-фахрим” мавзусида кўрик-танлов ўтказди.

4 шарт асосида ўтган танловда қатнашган йигит-қизлар фанлар билан бир қаторда миллий ҳунармандчилигимиз йўналишида ҳам ўз иқтидорларини синаб кўрдилар.

Тадбир сўнггида дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик бўйича иштирокчиларнинг ижодий ишлари намойиш қилинди. Партия фаоллари ҳамда коллеж маъмурияти “Энг яхши зардўз”, “Энг яхши дурадгор”, “Энг яхши каштачи” номинацияси бўйича ғолиб бўлганларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширишди.

* * *

ЎзМТДП Учкўприк туман ташкилоти “Ёшлар қаноти”, туман “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” жамғармаси, республика маънавият-тарғибот маркази туман бўлими ҳамда ИИБ вакиллари билан ҳамкорликда болалар спорт мактабида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда гиёҳвандлик жамиятимиз, ёшларимиз ҳаётига хавф солаётгани бу иллатга қарши мамлакатимизда жиддий кураш олиб борилаётганлиги ҳақида сўз борди.

Нотиқлар халқ таълими, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳамда маҳалла фаоллари ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориши зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ўқувчилар тадбир сўнггида спорт ўйинларини намойиш этдилар.

* * *

ЎзМТДП Амударё туман кенгаши ҳам болалар спорт мактабида “2010 - Баркамол авлод йили” шиори остида спорт мусобақаси ўтказди.

Тумандаги ёшлардан ташкил топган иштирокчилар 3 шарт бўйича беллашдилар ва ғолиблик учун ўзларининг бор куч-ғайратлари ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари ўғил-қизларнинг соғлом бўлиб ўсишларида спортнинг аҳамияти катталиги, мактабларда ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган тадбирлар сонини кўпайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ғолиблар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши ёшларни салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик ва диний экстремизмнинг олдини олишга қаратилган “Маънавий таҳдидларга қарши курашиш жараёнида миллий ғоянинг ўрни” мавзусида тарбиявий, маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

- Айрим ёшларимиз турли ёт ғоя ва ташқи таъсирларга тушиб ўз миллий қадриятларини, маънавиятини унутиб қўймоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Бахтиёрова. - Фарзандларимизни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш, уларда мустақил фикр ва дунёқарашни шакллантириш ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топишида барчамиз бирдек масъулмиз. Бу борада мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, ёшларимизни маънавий таҳдидлардан асрашимиз ва бу жараёнда миллий ғоя устувор туриши лозим.

Талаба-ёшлар зарарли оқимлар қопқонига адашиб тушиб қолган ёшлар ҳаёти ҳақида саҳна кўринишини намойиш этдилар.

* * *

ЎзМТДП Норин туман кенгаши Ижроия қўмитаси “Маҳалла” жамғармаси билан ҳамкорликда “Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбиясида аёллар ва маҳалланинг ўрни” мавзусида тумандаги тадбиркор, ишбилармон аёллар ҳамда уй бекалари иштирокида очиқ мулоқот ўтказдилар.

Аёлларимиз жамиятимизнинг етакчи кучларидан бири ҳисобланишади. Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ишларига янада кенгроқ имконият яратиб бериш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар олиб бориляпти. Тадбирда партия фаоллари иштирокчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

- Оиланинг мустаҳкамлиги, соғлом фарзандларнинг дунёга келиши, жамиятга комил инсонларни етиштириб беришда аёлларнинг ўрни беқиёс, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Э.Тўраев. - Ўтказилаётган бу каби очиқ мулоқотлар орқали аёлларимизнинг муаммолари ҳамда уларни қизиқтирган масалаларни ўрганиб, амалий кўмак беришга, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қиляпмиз.

Очиқ мулоқот сўнггида бу каби тадбирлар вилоят марказларидагина эмас, чекка-чекка ҳудудларда ҳам ўтказилиши режалаштирилди.

* * *

ЎзМТДП Бўка туман кенгаши Ижроия қўмитаси туман “Камолот” ЁИҲ, “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда халқ таълими касаба уюшмасида ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга қаратилган давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган юртини севиши, ардоқлаши, ҳимоялаши, моддий-маънавий бойликларини асраб-авайлаши кераклиги ҳамда ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё туман кенгаши “Болқи-ёғочэли” МФЙда “Юксак маънавият - енгилмас куч” мавзусида маданий тадбир ўтказди. Унда иштирок этган партия, маҳалла фаоллари, “Пахтазор” ҚВП ходимлари Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида маънавият йўналишида кўтарилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида қандай ишлар олиб бориш, мутафаккир, алломаларимиз адабий меросини ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдириш юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, 24-умумтаълим мактаби ўқувчилари асар юзасидан савол-жавоб тарзида ўз билимларини синаб кўрдилар.

* * *

ЎзМТДП Избоскан туман кенгаши Ижроия қўмитаси, туман кенгаши “Ёшлар қаноти” ҳамда “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида “Баркамол авлод - юрт келажаги” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда баркамол ёшларни тарбиялаш, вояга етказиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан эканлиги ҳамда ушбу вазифаларни амалга ошириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётганлиги ҳақида сўз борди. Шунингдек, “Ёшлар қаноти” фаоллари ёшлар ўртасида маънавий, маърифий сиёсий тадбирлар, семинар - тренингларни кўпайтириш, шу билан бирга тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

* * *

Худди шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Қарши туман кенгаши томонидан туман халқ таълими бўлимида бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Қарши туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Камолова шундай деди: - Бугун келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг эртаси ҳақида сўз борганда Ватанга садоқатли, миллатпарвар, миллий қадрият ва анъаналаримизни ҳурмат қиладиган маънан етук йигит-қизлар кўз олдимизга келади. Мамлакатимизда эришилган ютуқларда ёшларимизнинг ўз ўрни бор. Биз уларнинг барча соҳадаги интилишларини, ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз керак.

Тадбир сўнггида бу каби давра суҳбатлари бошқа туманлардаги ёшлар ўртасида ҳам ўтказилиши режалаштирилди.

* * *

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши Ижроия қўмитаси туман ахборот-ресурс марказида “Депутат халқ вакили” мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Г.Аҳмедова очиб, бу галги сайловлар демократик тамойиллар асосида, ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтганлиги, мазкур жараён ҳамда жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ортиб бораётганлигини ўзгартирилган қонунлар ва сайлов натижалари асосида кенг таҳлил қилди. Тадбирда ЎзМТДПдан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутатлар И.Баҳромов, Ў.Хўжамқулова, И.Хаитов ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ваколатлари давомида электорат манфаатларига хизмат қиладиган эзгу ишларни амалга оширишларини таъкидлаб ўтдилар.

---

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

***ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши, вилоят прокуратураси, адлия, соғликни сақлаш, ички ишлар ва бошқа бир қатор бошқармалар, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамда “Истиқболли авлод” маркази ҳамкорлигида дунё ҳамжамияти учун долзарб муаммолардан бирига айланиб бораётган трансмиллий жиноят — одам савдосига қарши курашишга бағишланган “Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

## Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият

**Дамира ҲАЙИТОВА, ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари**

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи А.Бобобеков 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилган “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори аҳамияти, унинг ижроси ва бу борада олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари ҳақида гапирди. Йиғилишда қатнашганлар одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари, бундай муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек бугунги кунда бундай жиноятларнинг асосий қурбонлари 18-25 ёшдаги ўсмирлар, хотин-қизлар ташкил этаётганлиги ачинарли ҳол. Айрим фуқаролар моддий манфаатларни кўзлаб, мўмайгина пул топиш илинжида, ўзлари билиб-билмай турли алдовлар домига тушиб, жабр кўраётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

- Жиноятнинг бу турига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир,- деди тадбирда сўз олган вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи А.Хўжаназаров. - Одам савдоси бугунги кунда ер шарининг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурган. Трансмиллий деб аталаётган ушбу жиноят ўз кўлами ва қамрови жиҳатидан тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса нафақат соҳа мутахассисларини, балки барчамизни ҳушёрликка чақиради. Бунинг учун аввало, ёшлар ва аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз лозим бўлади. Энг муҳими амалдаги ҳақ-ҳуқуқларимизни чуқурроқ ўргансак, ҳаётда улардан самарали фойдаланишга эриша оламиз.

- Мамлакатимиздаги барча соҳалар ривожида, давлат ва жамиятимиз тараққиётида, буюк келажагимиз пойдеворини яратишда аёлларнинг ўрни беқиёсдир. Хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни янги иш ўринлари билан таъминлаш одам савдосига қарши курашишнинг энг самарали йўлларидан биридир. Бу борада партия Дастуридан келиб чиқиб, вилоятда бир қатор амалий ишлар олиб бормоқдамиз,- дейди тадбир ҳақида фикр билдирган ЎзМТДП вилоя кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Шапоат Мусаева.

Тадбир сўнггида “Истиқболли авлод” жамғармаси томонидан эълон қилинган энг яхши мақола, энг яхши телекўрсатув ва роликлар танлови ғолибларига ҳамда тадбир иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди. Талабалар томонидан тайёрланган мазкур жиноятнинг аянчли оқибатларини акс эттирувчи саҳна кўринишлари тадбирнинг таъсирчанлигини янада оширди.

# ФАН, МАДАНИЯТ, ТЕХНОЛОГИЯ

**КАШФИЁТ**

***Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда иқтисодиёт тармоқларига янги технологияларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу эса биринчи навбатда, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг қай даражада эканлигига боғлиқ.***



## Фан ва ишлаб чиқариш

### ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ АЛОҚА ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

***Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма шароитларга эга. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.***

**Ислом КАРИМОВ**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий ва мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан соҳаси ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида йўлга қўйилаётган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Бу эса ишлаб чиқаришнинг янада кенгайиши ва маҳсулот таннархининг арзонлашишига хизмат қилаётир.

ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти хомашёдан турли услублар ёрдамида маҳсулот олишнинг тежамкор ва юқори самарали технологияларини яратиш орқали соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани аҳамиятга моликдир. Шу боис институтда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов билан суҳбатлашдик.

- Институтимизда мавжуд 19 та илмий лабораторияда мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган, соҳа ривожи йўлида фундаментал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олимларимиз томонидан истиқлол йилларида йигирмадан зиёд юқори самарали технологиялар яратилиб, иқтисодиётнинг кимё, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, тоғ-металлургия, пахтани қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этилди. Жумладан, Элемент анализ лабораториясида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда газ саноатида газни тозалаш учун сорбентлар четдан келтирилади. Лабораториямизда уларнинг ўрнига ўзимизда маҳаллий хомашё асосида сорбентлар ишлаб чиқариш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўйлайманки бу борада ҳам самарали технологиялар яратилиб, яқин келажакда амалиётга жорий қилинади ва ўзининг ижобий самарасини беради.

Институт жамоаси хомашёнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, яратилган янги технологиянинг саноат миқёсида синовдан ўтказиш ва мавжудлари билан солиштириш борасида ҳам қатор ишлар олиб бормоқда.

Жумладан, бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини дунё тажрибасида ўхшаши бўлмаган кам меъёрли нитрат кислотаси билан парчалаш асосида нитрофос олиш технологияси яратилиб, “Самарқандкимё” ОАЖ да ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Мазкур технология АҚШ, Германия, Норвегия, Англия, Франция, Чехия ва Россия мамлакатларидаги турдош технологияларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Чунончи, янги нитрофос ўғитида озиқа моддаларининг концентрацияси оддий суперфосфатдаги 12,5 фоиз ўрнига 22-23 фоизга етади. Бундан ташқари нитрофос ўғитида азот, фосфор, калий ва олтингугурт элементларидан кейинги бешинчи ўринда турадиган керакли озиқа компоненти – сувда эрийдиган кальций элементининг миқдори 15 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда ушбу технологиядан унумли фойдаланаётган “Самарқандкимё” ОАЖ да 150 минг тонна нитрофос ўғити ишлаб чиқарилиб, 23,5 минг тоннаси чет элга экспорт қилинди.

Фосфорли ўғитлар ичида энг афзали оддий гранулаланган суперфосфат ҳисобланади. Уни барча тупроқларда, турли қишлоқ хўжалик экинлари учун кузги шудгорлашда ва уни озиқлантиришда қўллаш мумкин. Фосфорли ўғит олишни такомиллаштириш учун, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган янги тезкор технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технологик жараён қисқа вақт 15 – 20 дақиқа давомида амалга оширилади. Бунда фосфорит таркибидаги фосфор озиқаси ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтади. Бу технологиянинг олдин қўлланиб келинаётганларидан афзаллиги шундаки, технологик тизимнинг кескин қисқариши ва иссиқлик энергия сарфининг тежалиши ҳисобига оддий суперфосфатнинг таннархи 25-30 фоизга арзонлашади. Ушбу технология Навоий шаҳридаги Электрокимё заводида жорий этилгач, 2004 йилдан буён 61,3 минг тонна суперфосфат ўғити ишлаб чиқарилди ва 18,9 минг тоннаси экспорт қилинди.

**- Институт мутахассислари томонидан органик ва ноорганик моддалар асосида юқори самарали, экологик жиҳатдан тоза бўлган, ўсимликларни ривожлантирувчи моддалар яратиш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. “Ҳосил” препаратини олиш технологияси шулар жумласидандир. Унинг аҳамияти борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

- Ушбу модда пахта ва донли экинларнинг чин барг чиқариш, шоналаш, гуллаш, туплаш ҳамда мева тугиш даврларида устидан пуркаш усули билан қўлланилади. Ғўза кўчатларига “Ҳосил” препаратининг гектарига 20 миллилитр миқдорида сувдаги эритмаси билан чин барг чиқариш даврида берилганида, илдизининг ривожланишига кучли таъсир ўтказади. Натижада 4-5 кун ўтиши билан ғўзада гуллаш ва кўсак тугиш жараёнлари тезлашади. Кўсаклар тўлиқ бўлиб етилиб очилади, ҳосилдорлик эса 3-4 центнерга ошади. Бир неча йиллардан бери ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, буғдойни туплаш ва шохлаш даврида “Ҳосил” препарати билан гектарига 20 миллилитр миқдорида пуркаб ишлатилганда ҳосилдорлик 5-7 центнерга ошганлиги аниқланди. Мазкур препарат истеъмолчиларга кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда.

**- Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари давомида қурилиш ашёларига бўлган талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Хусусан цементга бўлган талаб юқори. Бу борада ҳам янги технологиялар яратилаяптими?**

- Цемент корхоналарининг тўхтовсиз ва самарали ишлашлари уларни хомашё компонентлари аралашмалари (клинкерлар) билан тўлиқ таъминланишига боғлиқ. Маълумки булар асосан оҳактош, тупроқ ва минерализаторлардан иборат. Цемент ишлаб чиқаришда минерализатор сифатида таркибида темир оксиди кўпроқ бўлган компонентлар огаркадан фойдаланилади ва уларсиз цемент клинкерини тайёрлаш мумкин эмас. Ҳозирги кунда цемент ишлаб чиқариш саноатида таркибида темир бор компонентларга бўлган талаб тахминан йилига 500 минг тоннани ташкил этади.

Институтимиз олимларининг изланишлари самарасида ноанъанавий минерализаторлардан фойдаланиб, маҳаллий тоғ жинсларини қўшиш натижасида минерал ҳосил бўлиши аниқланди. Тавсия этилган ноанъанавий хомашё компоненти “Қувасойцемент” АЖ ва “Қизилқумцемент” ОАЖда муваффақиятли равишда жорий қилинди.

**- Институтда амалиётга жорий этилиши кутилаётган янги технологиялар мавжудми?**

- Институтимиз олимлари томонидан жорий йилда бир нечта самарали технологиялар саноат корхоналарида синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий қилишга тайёрлаб қўйилган. Мис концентратларини бойитиш учун сувда эрувчан ва модификация қилинган реагент РС-1 ни олишнинг самарали технологияси, иссиқлик электр станциялари кул – чиқиндилари асосида қурилиш материаллари олиш технологиялари шулар жумласидандир. Бу каби технологияларни келгусида амалиётга жорий этиш орқали катта иқтисодий самараларга эришиш мумкин. Жумладан, Ангрен иссиқлик электр станцияси кул чиқиндиларидан фақат 500 тонна қўшимча цемент ишлаб чиқариш орқали 17,5 млрд. сўмлик иқтисодий самарага эришиш мумкин. Ёки РС-1 препаратини Олмалиқ тоғ металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасида четдан келтириб ишлатилаётган ПАА реагенти ўрнига қўллаш орқали йилига 300 млн. сўмдан зиёд фойда келтиради.

Юқорида мутахассислар томонидан келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мустаҳкам алоқа ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларига инновацион технологияларни кенг жорий этиш қатор илмий – техникавий муаммоларни ҳал этади. Шунингдек, хомашёларни қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш орқали тайёр маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш ва уларнинг сифатини юксалтириш каби вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**



*Жумладан, бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини дунё тажрибасида ўхшаши бўлмаган кам меъёрли нитрат кислотаси билан парчалаш асосида нитрофос олиш технологияси яратилиб, “Самарқандкимё” ОАЖ да ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Мазкур технология АҚШ, Германия, Норвегия, Англия, Франция, Чехия ва Россия мамлакатларидаги турдош технологияларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Чунончи, янги нитрофос ўғитида озиқа моддаларнинг концентрацияси оддий суперфосфатдаги 12,5 фоиз ўрнига 22-23 фоизга етади. Бундан ташқари нитрофос ўғитида азот, фосфор, калий ва олтингугурт элементларидан кейинги бешинчи ўринда турадиган керакли озиқа компоненти – сувда эрийдиган калций элементининг миқдори 15 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда ушбу технологиядан унумли фойдаланаётган “Самарқандкимё” ОАЖ да 150 минг тонна нитрофос ўғити ишлаб чиқарилиб, 23,5 минг тоннаси чет элга экспорт қилинди.*

**МУЛОҲАЗА**

***Ахборот асрида кишиларни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар билан ажаблантириш мушкул. Чекланмаган ахборотлар, маълумотлар оқими хоҳлаган пайтда исталган мавзудаги янгиликлар билан танишиш имконини беради. Ушбу жараёнда фойдаланувчининг машаққат чекишига ҳам ҳожат йўқ. Тажрибадан шу нарса маълумки, меҳнатсиз, тезкорлик билан олинган билим хотирада ҳам узоқ вақт сақланиб қолмайди...***

## Мустақил иш

### ТАЛАБАЛАР УЧУН ТАШВИШ...МИ?

Бу масаланинг бир томони, иккинчидан эса турли ўқув даргоҳларида таълим олаётган талабалар, ўқувчилар мустақил ишларини ёзишда бевосита интернетдан фойдаланишлари мумкин. Бу эса уларнинг мустақил билим олишларини маълум даражада чеклаб қўяди. Дангаса талаба учун қулай ва осон маълумотлар базасидан фойдаланишга шароит бўла туриб, китобларни “титкилаш” қийинчилик туғдиради. Натижада ахборот олиш имкониятлари ортиши баробарида таълим тизимида салбий ҳолатлар ҳам вужудга келмоқда .

Ушбу мулоҳазаларимизга янада ойдинлик киритиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига ташриф буюрдик.



**Умриниса Зокирова, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, мактабгача таълим ва болалар спорти факультети 4-босқич талабаси:**

- Фикрингизга қўшилмайман. Мустақил ишларни ёзишда бир қатор интернет сайтларидан керакли маълумотларни олишнинг ҳеч бир ёмон жиҳати йўқ. Ахборотлар оқими билан ҳамоҳанг яшаш ҳар бир бўлажак педагог учун жуда зарур, деб ўйлайман. Фақат, талаба ёритилаётган мавзуга дахлдор фактларни ўзгаришсиз босмага бериши эмас, уларни таҳлил қилиши, ҳар томонлама ўрганиб, бошқа мисоллар билан солиштириши ва, албатта, охирги мустақил фикрини ёзиши керак. Ўзимга келсак, “Нотиқлик маданияти”, “Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тил ўстириш муаммолари”, “Ибн Сино асарларида болаларни психологик жиҳатдан тўғри тарбиялаш масалалари” ва бошқа мавзуларда мустақил ишлар ёзганман. Уларни ёзишда нафақат интернетдан, балки ўзимизнинг ахборот-ресурс марказимиздаги адабиётлардан ҳам фойдаландим. Бундан ташқари, университетимизнинг “TDPU.uz” сайтига мавжуд билимларимизни, маълумотларимизни ҳам жойлаштиришга муваффақ бўлаяпмиз. Менимча, бу замон талаби ҳисобланади...

Дангаса талаба эса мустақил ишини интернетдан бўлмаса бошқа бадиий, илмий асардан ҳам кўчириб олиши мумкин. Ушбу ҳолатда ҳам матннинг мавзуга оид ёки дахлдор эмаслигини текшириш учун бир марта ўқиб чиқишга тўғри келади. Бу ҳам унга номаълум бўлган бирор маълумот олишига ёрдам беради. Ҳар қандай технологиядан тўғри фойдаланилса, келажакда у ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бунинг учун талабада ахборотларни тўғри ва ўринли қўллай билиш маданиятини шакллантириш керак.

Албатта, ўқувчиларга ахборотлардан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш вазифаси ўқитувчилар зиммасида. Шу боис ҳам, **Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика” кафедраси ўқитувчиси Бегзод ХОДЖАЕВ**дан бу борадаги фикрларини сўрадик.

- Ҳозирги вақтда ахборотларнинг жадаллик билан кириб келиши, глобализация ҳамда интеграция жараёнлари талабанинг кўпроқ ахборотлар билан ишлаши ва бу ахборотлардан тўғри фойдалана олиши, ўзига кераклисини ажратиб олишга ўргатишни тақозо қилади. Бугунги кунда таълим жараёнини технологиялаштириш муаммоси талабаларнинг билим олишини индивидуаллаштириш, шу билан бирга диффиренциялаштиришни талаб этади. Мустақил ишлар эса талабанинг дарсдаги иштирокини индивидуаллаштириш ҳамда табақалашга хизмат қилади. Чунки, бу иш бевосита ёшларнинг имкониятлари, қизиқишлари, қобилиятларини юқори даражада юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Мустақил иш эндигина таълим тизимига киритилаётган билим бериш шакли эмас. Шу пайтгача у таълим жараёнининг ёрдамчи кўриниши сифатида қўлланилиб келинмоқда. Ахборот коммуникация воситаларининг ривожланиши натижасида талабаларнинг мустақил ишлаш имкониятлари янада ошаяпти. Масофавий таълимнинг пайдо бўлиши ёки модулли ўқитиш технологияларининг юзага келиши, электрон почта орқали бевосита ахборотларни жўнатиш ва қабул қилиш кабилар ўқувчи ва ўқитувчи орасида интерфаол алоқаларни йўлга қўйишга замин яратмоқда. Мустақил иш маълум фандан назарий олинган, семинар ва лаборатория жараёнларида мустаҳкамланган билим, кўникма ва малакаларни талаба мустақил тарзда қандай мушоҳада қила олиши, фойдалана олишига йўналтирилган тарзда жорий қилиниши керак. Ҳозирги пайтда унинг хилма-хил турлари мавжуд. Анъанавий кўриниши сифатида дарсликлар, илмий адабиётлардаги мавзуларни ўқиб, конспектлар ёзиш, рефератлар тайёрлаш, ижодий ишлар қилиш ва ҳоказолар мавжуд. Талабага берилаётган мустақил ишлар ўқитувчи томонидан технологиялаштирилиши, иш босқичлари алоҳида-алоҳида лойиҳаланиши шарт... Яъни, талаба биринчи босқичда қандай иш бажариши керак, кейингиларида нима билан шуғулланиши зарур ва мақсаддан тортиб натижагача бўлган жараён белгилаб олинади.

Баъзи мустақил ишларни таҳлил қилар эканмиз, улар адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилиб ёзилган эмас, балки мавзуга дахли бўлмаган далиллар билан “бойитилган”инининг гувоҳи бўламиз. Албатта, талабанинг бу ишга шундай ёндошишига ўқитувчи ҳам сабабчи бўлган. Ўқитувчи талабага тўғри ёндошувни шакллантирганида, интернетдан олинган “қуруқ” материал орқали мавзуни ёритиш хато эканлигини, ундаги маълумотларни шунчаки кўчириш эмас, балки таҳлил қилган ҳолда ўқувчига етказиш лозимлигини уқтирганида бундай ҳолат такрорланмас эди.

**- Бир талаба маълум фандан олган баҳосидан норози бўлиб, ўқитувчига мурожаат қилди. Шунда ўқитувчи унга мустақил иш ёзиб келишни топшириб, “3” баҳосини “4”га ўзгартиришга ваъда берди... Хўш, ушбу жараёнда ўқитувчи талабага яхши баҳо қўйишга ҳақлими?**

- Бизда талабалар билим-малакасини назорат қилишнинг рейтинг Низоми мавжуд. Шу асосида талабаларнинг билим-малакасини баҳолаймиз. Агар, талабаларнинг рейтинг бали етмаётган бўлса, ўқитувчи унинг қайси назорат ишини бажара олмаётганлигига қараб ёндошади. Агар, семинарлардан талаба етарли балл тўплай олмаган бўлса, ўқитувчи фақат мустақил иш билан баҳони ўзгартиришга ҳаққи йўқ. Оралиқ, жорий ва якуний назорат ишлари ўрнига мустақил иш тайёрлаб келиш ҳам тўғри ҳисобланмайди.

**Зиёвуддин ЖАЛОЛИДДИНОВ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув-методик бошқармаси бошлиғи муовини:**

- Бизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги буйруғи билан тасдиқланган талабаларни мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома мавжуд. Унда талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда ўқиш соати, муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси, фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси инобатга олиниши зарур, дейилган. Талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси, мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни вазифаларга тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиб бориш керак.

Ўқитувчилар ва талабаларнинг мулоҳазалари бир нуқтада туташиши асосида ягона хулосага келдик. Биринчидан, ўқитувчи талабанинг мустақил иш ёзиши мобайнида илмий-методик адабиётларни тўғри тавсия этиши, ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш йўлларини ўргатиши, билимларни солиштириш ва қиёслаш мобайнида мустақил фикрини ёзишга ундаши зарур. Бу талабларга жавоб бермайдиган мустақил ишлар эса қониқарсиз деб баҳоланиши керак. Қачонки, ахборотлар оқимини тўғри йўналтира олсак, керакли ва муҳим маълумотларни танлаб, ўз ўрнида қўллай билсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Акобир САЙИДОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# МАЪНАВИЯТ

ЙИЛ ДАСТУРИ

## Баркамол авлод – тараққиёт омили

### МАМЛАКАТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНМОҚДА




(Давоми. Боши 1-бетда)

*Демак, ҳозирги даврда гап ёшлар тарбияси ва унинг ҳуқуқий мақоми ҳақида борар экан, уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи йўлларни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, миллий ғурурни шакллантириш жараёнининг илмий асосини матбуотда чуқур ёритиш, унинг мазмуни ва таркибий қисмларини баён қилиш, ушбу жараёнда ҳуқуқ-тартибот органларини кенг жалб этиш, баркамол авлод ривожига бағишланган Дастурлар баёнини ОАВ орқали ёшлар онгига янада кўпроқ сингдириш, янги авлодда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишнинг мақбул йўлларини белгилаш муҳим саналади.*

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва маориф тизимидаги ислоҳотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратишни назарда тутади. Маънавий баркамолликни шакллантириш қийин, лекин Президентимиз айтганларидек: «Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум».

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кейин ҳам бажарилиши зарур бўлган ишлар кўп, зеро, юртимизнинг келажакда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз салоҳиятига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқдир.

Умуман баркамол авлод – соғлом авлод тарбияси, истиқболли келажак учун қайғуриш демакдир. Чунки, Ватанни севган одамгина унга муносиб фарзанд тарбиялай олади. Касби, ёши, жинси, миллатидан қатъий назар бугун ҳар бир юртдошимиз баркамол авлод тарбиясига дахлдор бўлмоғи лозим. Ана шундагина Юртбошимизнинг **«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади»**, деган доно фикрлари замирида ўсиб келаётган баркамол авлодга буюк ишонч мужассамлигини янада чуқурроқ тушуниб етамиз.

Баркамол авлодни тарбиялаш учун бизда етарлича маънавий асослар бор. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарини мутолаа қилар эканмиз, ана шу асослардан бирига дуч келамиз. Унда жамиятнинг ҳар бир фуқароси мансаби, фаолиятидан қатъий назар фозил инсон бўлиши керак, дейилади. Фозил инсон эса ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билиши, унга амал қилиши, эркин фикрлаши, лозим бўлганда Ватани, халқи учун жон фидо этиши, халқини севиши, ўзлигини англаб ҳаёт кечириши лозим.

Мустақилликдан сўнг ана шундай демократик қадриятлар қарор топган давлат, миллий, тарихий-маданий анъаналарга асосланган фуқаролик жамияти қуриш ва маънавияти юксак баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг стратегик мақсади қилиб қўйди. "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз,– дейди Ислом Каримов, – аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир".

Президент Ислом Каримов эркин, онгли ва мустақил фикрга эга бўлган баркамол авлод маънавиятини камол топтириш ҳамда ғоявий, руҳий жиҳатдан мустаҳкам, иймон-эътиқоди бутун, билимдон ва жасур ёшларни шакллантиришни асосий мақсадларимиздан бири, деб билмоқдалар. Демак, ҳозирги даврда гап ёшлар тарбияси ва унинг ҳуқуқий мақоми ҳақида борар экан, уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи йўлларни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, миллий ғурурни шакллантириш жараёнининг илмий асосини матбуотда чуқур ёритиш, унинг мазмуни ва таркибий қисмларини баён қилиш, ушбу жараёнда ҳуқуқ-тартибот органларини кенг жалб этиш, баркамол авлод ривожига бағишланган Дастурлар баёнини ОАВ орқали ёшлар онгига янада кўпроқ сингдириш, янги авлодда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишнинг мақбул йўлларини белгилаш муҳим саналади.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш муҳим жараёндир. Чунки **«Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин»**. Шу боис, ижтимоий муҳит ва тарбия – соғлом турмуш тарзини вужудга келтиришнинг муҳим жиҳатлари эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Миллий-маданий меросни ёш авлодга етказиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насиҳатлари катта аҳамиятга эга. Сўнгги пайтларда нодир манба сифатида яратилган китоблар, рисола ва қўлланмалар ёшлар учун битмас-туганмас хазина деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда баркамол авлодни шаклланиши умуммиллий ва умумдавлат миқиёсидаги вазифадир. Келажакда авлодларнинг давомийлиги, халқлар ва миллатларнинг ижтимоий бирлик сифатида абадий яшаши, эркин ва фаравон ҳаёт қуриш вазифаларини амалга ошириш ёшларни комил инсонлар сифатида шаклланишлари билан бевосита боғлиқдир.

Яна Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу мулоҳазаларига эътибор қаратсак: **«Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир».**

Бу эса ҳар бир ота-она, оила учун баркамол ва соғлом авлод тарбияси масъулиятини юклаши билан бирга уларнинг келажаги истиқболли эканлигига ишончини янада оширади ва мустаҳкамлайди. Демак, болалар соғломлиги Ватан, унинг келажаги билан узвий боғлиқдир. Буни Юртбошимиз ажойиб таърифлаб, шундай дейдилар: **«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»**.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда албатта ўз ифодасини топиши зарур.

**Юсуф МАНЗАРОВ,**
**Қарши Давлат иқтисодиёт ва муҳандислик институти доценти**

## Исм – инсон кўрки

ФАЗИЛАТ

***Ота-онанинг фарзанд олдидаги асосий бурчларидан бири унга чиройли исм қўйишдир. Чунки исмда фарзанднинг келажаги билан боғлиқ кўп ҳикматлар яширин, дейишади.***

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Лекин, айниқса кейинги пайтда ёш ота-оналар ўрни бўлса-бўлмаса, бирор китоб қаҳрамони ёки кино юлдузи исмларига тақлид қилиб, фарзандларига турлича исмлар қўймоқдалар. Масалан, Арда, Айше, Камилла, Демир, Марадона каби исмлар «урф»га кираётганига нима дейсиз?! Ҳатто бирмунча олдин айримлар «Ёшлар» телеканали орқали номойиш этилган фильмдаги бош қаҳрамон "Жумонг"га тақлид қилиб, ўз фарзандига Жумонг, деб исм қўйишгача бориб етди. Ана шундай ҳолатларни кўриб, кузатиб эшитган қулоққа эриш туюлмайдиган, фарзанднинг маънавиятини юксалтирадиган, комил инсон бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган исмлар наҳот ўзбек тилида топилмаса-я, деган фикрга келасан. Арзимас туюлган бу муаммонинг аслида миллат ўзлиги ва маънавий қиёфасига қанчалик таъсир кўрсатиши мумкинлигини тасаввур қилиш унчалик қийин иш эмас.

Қолаверса муносиб исм қўйилмаган бола катта бўлганида яқинларидан домангир бўлади. Бундан ташқари, эркалатибми эринибми исмнинг ярмини айтиш ҳам одат тусига кириб бормоқда Масалан фарзандининг ҳаёти нурга тўлсин, исми жисмига мос инсон бўлиб улғайсин, деган ниятда қуйилган Нуриддин, Нурбек, Нурали деб аталган исмларни мурожаат қилинганда «Нури» деб қўя қолишади. Айниқса, ёшлар бир-бири билан мулоқотда бўлганида исмларини Гуля, Диля, Фарҳодни эса Федя, деб аташмоқдаки, эшитсангиз, ғашингиз келади.

Психолог Марҳамат Умарованинг фикрича, исмнинг қисқартириб айтилиши, шахснинг исмига бўлган масъулиятини, ундаги маъно-мантиқни унутиб боришига олиб келади. Исм чиройли ва тўлиқ ҳолда айтилса, ўша инсоннинг умри мазмунли, қиладиган иши ҳам эзгу амалларга бой бўлар экан. Исмнинг тўғри айтилиши муомала маданиятини, тарбияни билдиради. Бу ҳол биринчи навбатда оиладан бошланади. Эр-хотин тортишиб қолганида, оила бошлиғи рафиқасини «эй» ёки ҳар хил сўзлар билан камситиб, танбеҳ бермасдан, унинг исмини айтиб, оғир-босиқлик билан муомала қилса, аёли ҳам муросага келади. Фарзандларнинг номига «бек, жон, хон, ой» каби қўшимчалар қўшиб айтилишида ҳам катта маъно бор. Мисол учун, бирор юмуш буюрсангиз, бажаргиси келмай турган болага Тоҳиржон деб мурожаат қилсангиз айтганингизни тезда бажаради. Қолаверса, бундайин муомала унинг тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади.

Исм қўйиш миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. Ота-боболаримиз фарзандларига қайси уруғдан, қандай сулоланинг нечанчи авлоди эканлиги, таваллуд топган вақти, жойи, саломатлигининг қандайлигига, бола танасидаги алоҳида белгилар ва бошқа омилларга қараб исм қўйганлар.

Фарзандларимизга одатда буюк шахсларнинг исмларини қўйишни ёқтирамиз. Айтайлик, Жаҳонгир, Муҳаммад, Темур ёхуд Улуғбек деб исм қўйилса-ю, бола улғайганда бундай азиз инсонларга муносиб бўлмай, номаъқул ишларни қилиб юрса, албатта, яхши бўлмайди. Ҳар бир исм эзгу ниятлар билан қўйилади. Зотан, унинг эгаси улғайиб, элу юртнинг корига ярайдиган, исми жисмига монанд инсон бўлиб етишсин.

Айтиш жоизки, Баҳора, Наврўза, Баҳодир, Баркамол, Элёр сингари исмларда ҳам ўзига хос маъно бор. Қизларнинг ҳаёти хайрли бўлсин деган ниятда қадимдан Хайринисо, Умринисо, Робия, ой-қуёшдек барқарор бўлсин дея Мунаввар, Шамсия, Ойгул, деб аташган. Гулу чечаклардек нафис, муаттар ва ёқимли бўлишига ҳавас қилиб, Гулчеҳра, Гулнора, Наргиза, Нилуфар сингари исмлар қўйилган.

Баъзан фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораларидаги эътиборсизлик туфайли гувоҳнома ва паспортларда исм-шарифдаги ҳарфларни тушириб қолдириш ҳолатлари рўй беради. Натижада рисоладагидек исм бир зумда бир ҳарф туфайли буткул ўзгариб қолади.

Хулоса қилиб айтганда муносиб исм қўйиш ҳам ўзига хос санъат. Бу масалага ҳар биримиз эътиборли бўлишимиз шарт. Улуғбек, Бобур, Алишер, Комила, Нодира сингари инсонни юксакликка, тарихда шундай исмга эга бўлган буюк аждодларга муносиб бўлишга ундайдиган, энг муҳими, асл ўзбекона исмларга нима етсин?! Фарзандларимизга чиройли ва тўғри исм қўяйлик, токи уларнинг исмидан ҳам қайси миллат фарзанди эканлиги сезилиб турсин.

КЎРИК-ТАНЛОВ

***Ўсиб келаётган ёш авлодга илм-фан сирларини пухта ўргатиш баробарида шуурида ватанпарварлик, мардлик, жасорат туйғуларини ўстириш уларни ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб етишишига хизмат қилади.***

## Ўзбегимнинг мард ўғлонлари

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

«Баркамол авлод йили» муносабати билан Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейида бўлиб ўтган «Ўзбегимнинг мард ўғлонлари» мавзусидаги тадбирни ҳам ана шу мақсадлар йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Унда таништирув, савол-жавоб, спорт машғулотлари, пазандалик, эркин мавзу шартлари бўйича лицейнинг 1-босқич талабалари ўзаро беллашдилар.

Ўқувчилардаги ота-она, юртга бўлган меҳр, ҳурмат, билим олиш ва комил инсон бўлиб улғайишга интилиш уларнинг дастлабки чиқишларидаёқ ёрқин акс этди. Савол-жавоб шарти эса иштирокчиларнинг мустақиллик, буюк саркарда боболаримиз жасорати ва ибратли ишлари, миллий спорт турлари ҳақидаги билимларини синовдан ўтказди. Яна бир шарт - эркин мавзу эса уларнинг қўшиқ куйлаш, шеър ўқиш, саҳна кўринишлари тайёрлаш маҳоратини йиғилганлар ҳукмига ҳавола этди.

- Ўқувчиларимизнинг иқтидори ва билимини рўёбга чиқаришга қаратилган турли маънавий-маданий тадбирлар ўтказиш доимий анъанамизга айланган, - дейди биз билан суҳбатда академик лицейнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гавҳар Игамбердиева. - Бу тадбирлар ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, маънавий-интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, энг эзгу мақсадимиз ва фаолиятимиз мезони ҳам баркамол авлодни тарбиялашдир.

Беллашув ниҳоятда қизиқарли кечди. Барча шартларни мукаммал бажарган ўқувчи Дилшод Абдуалимов биринчи, Лазиз Мардонов иккинчи, Темур Тахтахунов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Шу ўринда академик лицей ҳақида икки оғиз сўз. Бугун бу ерда 4 та йўналиш бўйича 80 га яқин ўқитувчилар 600 дан зиёд ўқувчиларга билим бериб келмоқдалар. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчилар турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда ва лицейни тамомлаган талабаларнинг аксарияти олий ўқув юртлари талабаларига айланишмоқда. Буларнинг бари қалбимизда ғурур уйғотади. Чунки мамлакатимиз равнақи, буюк келажакни барпо этиш, ана шундай ёшларимиз билан бевосита боғлиқдир.

ОСОРИ АТИҚАЛАРИМИЗ

## Тоғ бағридаги мақбара

### У ТАЪМИРЛАНИБ ОБОД БЎЛГАНИДАН КЕЙИН ЗИЁРАТЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛМОҚДА

Мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда кўплаб зиёратгоҳларнинг номлари тикланди, осори атиқалар таъмирланди. Юртимизга қадам қўйган улуғ зотларнинг исмлари аниқланди. Зиёратчиларга қулай шарт-шароит яратилди. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири Бахмал туманига юксаклик ва салобат бағишлаб турган Ойқортоғнинг бағрида жойлашган «Боғимозор-ота»дир.

Туман марказидан кунчиқар томонга юрсангиз, тоғлар орасига элтгувчи жуда кўп йўлларга дуч келасиз. Улардан бири пастликлардан 600-700 метр баландликда жойлашган асрий чинорлар, арголар, тераклар, толлар қуршовидаги мақбарага олиб боради. Юқорига кўтарилар экансиз, табиатнинг сеҳридан, борлиқнинг мусаффолигидан руҳингизда енгиллик, қалбингизда гўзаллик пайдо бўлаётганини сезасиз. Бу жойларга мозийда не-не улуғ зотлар келиб кетганлари ҳақида ўйлайсиз. Нима учун «Боғимозор-ота» деб ном берганлари ҳақида фикр юритасиз.

Айтишларига қараганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳам шу ерга қадам ранжида қилган экан. Пири комили Саййид Бараканинг авлодидан бўлган Мирхалил қабри устига гумбаз ўрнатган. Мақбара атрофи боғ қилинганига нисбат бериб, «Боғи-мозор» деб аташган. Бундай номланишига аниқ асослар бор. Соҳибқирон қаерга борса, боғ барпо этгани бизга маълумотлар орқали етиб келган. Биргина Самарқанд шаҳрида барпо этилган боғларни санасак, бармоқ етмайди. Боғи баланд, Боғи беҳишт, Боғи давлатобод, Боғи дилкушо, Боғи жаҳоннамо, Боғи зоғон, Боғи майдон, Боғи нав, Боғи чинор, Боғи шамол... Тарихда ҳеч бир ҳукмдордан бунчалар кўп боғ қолмаган. Бахмал ҳудудида у яратган боғ, нафақат Самарқандда, балки бошқа ҳудудларда ҳам боғ барпо этганидан дарак бериб туради. 600 йилдан ошиқроқ вақтнинг шамолларига гувоҳ бўлган бу зиёратгоҳ 2006 йилда ҳомийлар ёрдамида таъмирланди. Шундан кейин зиёратчилар янада кўпайди.

«Боғимозор-ота» зиёратгоҳининг собиқ империя пайтидаги ҳолатини ўйлаб, шундай кунларга етказгани учун яратганга шукроналар айтасиз. Ҳар қисм тупроғи олтин, қадами тарих бўлган осори атиқалар ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида нақ кунпаякун бўлишига бир баҳя қолган эди-да! Ўрта аср шарқ меъморчилигининг намунаси бўлган мақбарани портлатиб юбормоқчи бўлишди. Шу ҳудудда яшовчи Мустафоқул Олимов бошлиқ оқсоқоллар бу меъморчилик намунасини жон куйдириб ҳимоя қилдилар. Натижада мақбара омон қолди. Мустақиллик даврида қаддини тиклади. Бугун у ўқувчилар учун тарихни ўрганишда муҳим манба, фуқаролар учун зиёратгоҳ, хаёлларни олис ўтмишга чорлайдиган гўзал маъво... Бу ерга келаётганлар беихтиёр ўтмиш ҳақида ўйлайдилар, бугуннинг қадрига етишга интиладилар. Боболардан қолган ноёб ёдгорлик ҳақидаги ривоятларни тинглаб, унинг замирида теран маъно борлигига имон келтирадилар.

Истиқлол туфайли қад ростлаган, ўз тарихини топган, кишиларда эзгу ҳислар уйғотаётган мақбара маънавий илдизимиз нақадар бақувват эканлигини яна бир бор исботлаётгандай. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз деган туйғу тоғлар орасидаги марварид - асрий мақбара руҳига сингиб кетади. Боғимозордаги бу мақбара олис тарихдан мужда бўлиб ҳали қанчадан қанча дилларни ошно қилишини ўйласанг, бугунги кунларга меҳринг шунча ортаверади.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

ҚАДРИЯТ

***Оиламизнинг эркатойи — жияним Умиджон икки ёшда. Куни билан сира тиниб-тинчимайди. Чарчаб уйқуси келганда эса дарров бешигига талпинади. Шунда караватчаси ёки беланчакда ухлатмоқчи бўлсак, хархаша қилади. Бешикка солиб, алла айтсаккина ухлайди.***

## Бешикда ўсган бола

Умиджон туғилганида, ота-онаси "Бешикка солмаймиз", деб туриб олишди. Болани бешикда улғайтириш тиббиёт нуқтаи назаридан "зарар" экан. Аммо бувим: "Бешикда катта бўлган бола бек бўлади, асосийси, таги қуруқ ётади, шамолламайди, касал бўлмайди, ўзларинг ҳам бешикда катта бўлгансизлар болам. Нима, бирон жойларинг камми», деб уларни койиб ҳам бердилар.

Акам ва янгамнинг кўнгли хотиржам бўлиши учун болалар шифокорига мурожаат қилдик.

Шифокор эса:

- Шарқ тиббиётида боланинг соғлом бўлиши учун бешик яхши восита, деб кўрсатилган. Бунда биринчидан, бола ухлаганда чўчимайди, қўл-оёғи тўғри, елкалари кенг ўсади, таги ҳўл бўлиб, қаровсиз қолиб кетмайди. Акс ҳолда гўдакнинг қовуқ қисми, буйрак безлари яллиғланиб, сурункали касалликларга айланиши мумкин. Ҳозирда кўп ёш оналар фарзандларини бешикка солиб ухлатишдан кўра, болага "памперс" кийдириб, эркин ухлатишни афзал кўрадилар. Лекин бундай тагликларни доимий ишлатиш бола саломатлигига путур етказади. Унда узоқ вақт фойдаланилганлиги сабаб танага ҳаво ўтмайди. Бу гўдакларнинг пешоб йўлларида туз йиғилишига олиб келади.

Руҳшунослар бешикка берилган турфа ранглар жилоси бола миясининг ривожланишига ижобий таъсир этади, дея маслаҳат беришди.

Шундан сўнг шубҳа-гумонларга ўрин қолмади. Опам фарзандли бўлганида эса онам билан бешик бозорига бордик. Бешик танлаётиб, бир хорижлик саёҳнинг бешик олаётгани эътиборимни тортди. Ёнида таржимони ҳам бор экан. Қизиқиб гапларига қулоқ солдим. Сотувчи амаки саёҳга "Бешикни нима қиласиз?", деса, у: "Юртимга олиб бориб кўргазмага қўяман", деди. Сўнг сотувчи унга бешикдан қандай фойдаланишни тушунтириб, тувагу сумагигача қўшиб берди.

Бу воқеани кузатиб туриб, ғурурланиб кетдим. Ўзбекнинг қадим-қадимдан ардоқлаб, асраб-авайлаб келаётган бешиги, қадриятлари Европа давлатларида ҳам урф бўлиб кетса ажаб эмас, деган хаёлга бордим.

**Юлдуз ИСКАНДАРОВА**

# ЖАРАЁН

АНЖУМАН

***Бундан роппа-роса 10 йил муқаддам, яъни 2000 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Тошкент Давлат университетига "Ўзбекистон Миллий унверситети" мақомини бериш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди! Шу қутлуғ сана муносабати билан мазкур ўқув даргоҳи Маданият саройида ўтказилган анжуман барча профессор-ўқитувчилар ва талабаларга кўтаринки руҳ бахш этди.***

## Миллий мақомга эга университет

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**ЎзМУ Ахборот хизмати раҳбари**



Мазкур Фармонда, Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, жамият салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш, жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш вазифалари белгиланган эди. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида бу вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

– Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу тарихий Фармони мамлакатимизда карвонбоши университет ҳисобланган мўътабар ўқув масканимиз тарихи зарварақларига зарҳал ҳарфлар ила битилгандир,– деди анжуман иштирокчиларини самимий қутлар экан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, университет ректори Ғафуржон Муҳамедов.– Ватан ва миллат истиқболи йўлида фидойилик кўрсатган тараққийпарвар аждодларимиз, зиёлилар ташаббуси билан 1918 йилда ташкил этилган мазкур зиё масканида мустақиллик шарофати билан ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг бутунлай янги босқичи бошланди. Мамлакатимиз таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ривожланиб бораётган иқтисодиёт тармоқлари, демократия йўлидан бораётган жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳалари учун мутахассис кадрлар тайёрлашда университетимиз етакчи олий таълим муассасасига айланди. Ўтган йиллар давомида университетимиз илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбиянинг самарали усулларини татбиқ этиш, жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айни пайтда университетда 38 йўналиш ва 109 мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Дорилфунуннинг 13 факультетида ўн мингдан зиёд талаба давлат таълим стандартлари, таълим-тарбиянинг илғор ютуқлари асосида таҳсил олмоқда, юзлаб аспирант ва докторантлар илмий изланиш олиб бормоқда. Университетда фаолият кўрсатаётган мингга яқин профессор-ўқитувчининг йигирмадан зиёди академик, 200 нафардан ортиғи фан доктори, қарийб 600 нафари фан номзоди экани ҳам унинг юқори мавқеидан далолат беради. Бу катта илмий даргоҳга Миллий университет мақоми берилиши туфайли таълим-тарбия, илм-фан жараёни янги босқичга кўтарилди. Буни профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, ўқитиш сифати ва самарадорлиги тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бунда давлатимиз томонидан профессор-ўқитувчилар ва талабаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик муҳим омил бўлаётир.

Қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини жўш урдирган, таъбир жоиз бўлса, биз учун нақадар шарафли ҳол шуки, давлатимиз раҳбари ўтган йиллар давомида бир неча бор "Ёшлик" талабалар шаҳарчасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган жуда кўп хайрли ишларнинг ташаббускори бўлдилар. Бу улуғвор саъй-ҳаракатлар самарасини сўнгги йилларда "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Талабалар шаҳарчаси кўркига кўрк қўшиб турган Сув спорти саройи, Ёшлар ижодиёт маркази сингари қатор янги замонавий иншоотлар, янгидан чирой очган университет ўқув бинолари, спорт иншоотлари, Маданият саройи, ахборот-ресурс маркази, талабалар турар-жойлари ҳамда уларнинг теварак-атрофларидаги фусункор боғлар, равон йўллару йўлаклардаги ажиб манзараларни таърифлашга тил ожиз.

Сўнгги йилларда Миллий университет ва у жойлашган "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси бутун республикамиз эътиборида бўлганини бу ерда ўтказилаётган қатор анжуманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, республика олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада – 2007" спорт анжумани минглаб талаба-ёшлар қалбида ўчмас из қолдирди. 2008 йилда ЎзМУнинг 90 йиллиги республикамиз миқёсида кенг нишонланди. Ўтган йили бу масканда ўтказилган "Талабалар баҳори – 2009" спорт мусобақалари ҳам кўплаб таълим муассасалари талаба-ёшлари ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Яна бир муҳим воқеа – Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Тошкент шаҳрининг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда нафақат ЎзМУ, балки, республикамиз қатор олий ўқув юртларидан ҳам иқтидорли талабалар иштирок этдилар.

Миллий университет илмий салоҳияти қанчалик ортиб борганини бу қутлуғ даргоҳдан етишиб чиққан олимлар ва уларнинг бетакрор ишларидан ҳам билса бўлади. Бу ўқув масканида таҳсил олган атоқли олимлардан 106 нафари академик даражасига эришганлар. Улардан 23 нафари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти ва вице-президентлари бўлганлар. Олима аёллардан 113 нафари фан доктори ва профессор илмий унвонларини олганлар. Университетда таҳсил олган зиёлилардан уч нафари Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига, шунингдек, кўплаб профессор-ўқитувчиларимиз Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, "Буюк хизматлари учун" ордени ва бошқа унвонларга сазовор бўлганлар.

Сўнгги ўн йил мобайнида Миллий университет талабаларидан 50 нафарга яқини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа нуфузли стипендиялар соҳиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлганлар. Ҳар йили ўндан ортиқ истеъдодли йигит-қизлар республика фан олимпиадасида ғолиблик шоҳсупасида бўй кўрсатмоқдалар.

Анжуманда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар улкан илмий салоҳиятга эга бўлган Миллий университетнинг бугунги истиқболи ва порлоқ келажаги ҳақида фахр-ифтихор билан сўзладилар.

Қутлуғ сана муносабати билан бир гуруҳ мураббийлар ва фаол талабалар Фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тантанали маросимнинг бадиий қисмида Муқимий номидаги мусиқали драма театри ижодий жамоасининг чиқишлари барчага хушкайфият улашди.

Анжуман муносабати билан айрим мураббийлар ва талабаларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.

**Асқар Ниғматов, география фанлари доктори, профессор:**

– Таълим соҳасини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва уларга муносиб таълим-тарбия бериш борасида академик лицейларнинг ўрни алоҳида. Илгари университетимиз қошида биргина С.Сирожиддинов номли академик лицей фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда бундай ўқув масканлари сони учтага етди! Ўқув даргоҳимизга Миллий университет мақоми берилган кезларда Собир Раҳимов академик лицейи ташкил этилган эди. 2009 йил – "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили муносабати билан университетимиз қошида Зангиота академик лицейи ташкил этилди. Қишлоқ ёшларига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида бу академик лицей айнан Зангиота туман марказида очилиб, 400 га яқин иқтидорли ўғил-қизлар қабул қилинди. Бу академик лицейларнинг уч йиллик ихтисослаштирилган таълим тизимини муваффақиятли тугатган ва тегишли тест синовларидан ўтган ўқувчилар танлаган йўналиши бўйича Миллий университетимизнинг бакалавр босқичига қабул қилинади.

**Рустам ТУРДИБОЕВ, механика-математика факультети магистранти:**

– Миллий университетимизни иқтидорли талабалар учун имкониятлар маскани, дегим келади. Шу даргоҳда таҳсил олаётган кезларим жуда кўп орзуларимга эришяпман. 2005 йилда математика фанидан олимпиада ғолиби бўлиб, Миллий университетимизнинг механика-математика факультетига давлат грантига киришга муваффақ бўлганман. 2006-2009 йилларда Урганч шаҳрида республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадаларда ҳам фахрли ўринларни эгалладим.

2008 йил – "Ёшлар йили"да толеимнинг энг катта туҳфаси – аниқ фанлар йўналиши бўйича Президент стипендиати деган шарафли номга мушарраф бўлганимдир ва шу муносабат билан факультетимиз алгебра ва функционал анализ кафедрасига магистратурага давлат гранти асосида қабул қилиндим.

Миллий университетимизда, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси кўркига кўрк қўшиб турган "Келажак овози" ёшлар маркази ва бошқа маърифат масканларида иқтидорли талабаларнинг интилишлари, илмий изланишлари учун жамики имкониятлар муҳайё этилган. Мана шу қутлуғ даргоҳлардаги илмий изланишларим самараси – ўтган йили Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада Миллий университетимиз номидан иштирок этиш бахти насиб этди.

Кўплаб давлатлардан ташриф буюрган ёш математиклар ўртасида икки кун давом этган қизғин беллашувлардан сўнг Ҳакамлар ҳайъати каминанинг ишларини фахрли 2-ўринга лойиқ деб топганларида севинчдан кўзларимда ёш қалқиб кетди. Дипломни қабул қилиб олиш учун саҳнага фахр-ифтихор ила ўзбекона дўппимни кийиб чиққанимни кўрган турли миллатга мансуб тенгдошларим беихтиёр чапак чалиб юбордилар.

Мен ўша ҳаяжонли дамларда олис Будапештдан туриб азиз юртим – Ўзбекистонга, муҳтарам Юртбошимга, қадрдон университетимга, меҳрибон устозларимга таъзим бажо айладим. Келажаги буюк юртнинг биз умидли ёшлари она Ватанимизга муносиб бўлишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, деб биламан.

**Дилафрўз УСМОНОВА, Хитой филологияси бўлими 1-босқич талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:**

– Дунё кўрмай дунё кишиси бўла олмайсан, деган гап бежиз айтилмаган. Шу фикрни давом эттирган ҳолда, дунё тилларини пухта ўрганган инсон дунё билан росмана бўйлаша олади, дегим келади. Факультетимизнинг барча талабалари бугун ана шундай эзгу мақсадлар билан таҳсил олмоқдалар. Ҳозирги пайтда айрим тушунчаларимиз қамрови ҳам кенгайиб бормоқда. Бир пайтлар, тил билган – эл билади, деган фикрни ўзгача тушунар эдим. Эндиликда дунёвий тилларни билганлар бемалол дунёга чиқишлари одатий ҳолга айланиб қолмоқда.

Ўтган йили хорижий филология факультетида инглиз, немис, француз тиллари билан бир қаторда хитой тили бўлимининг ҳам очилгани айни муддао бўлган. Бу тилни пухта ўзлаштириш орқали биз Шарқ дунёсини янада кенгроқ ўрганиш имконига эга бўламиз. Факультетимиздаги муҳит ҳақида мухтасар фикрим – географлар атласи ё глобусида дунё қандоқ акс этган бўлса, бизнинг ўқув даргоҳида рўйи замин садолари янграб тургандек бўлади. Демоқчиманки, биз учун дунё билан бўйлашиш шу қадрдон масқандан бошланади.

ХАБАР

***Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицейида «Баркамол авлод йили» муносабати билан «Адлия идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси вакиллари, академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.***

## Ёшлар ҳуқуқий маданияти

### ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тадбирни академик лицей директори С.Жуманазаров очди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Ҳ.Файзиев, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Т.Тўраев, ЎзДЖТУ маънавият ишлар бўйича проректори Ш.Сирожиддинов ва Тошкент шаҳар 1-сонли никоҳ уйи директори З.Акромхўжаева мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари хусусида фикр юритдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими А.Нодировнинг «Ёшлар онгида солиқ маданиятини янада юксалтириш» мавзусидаги маърузаси ўқувчиларда жамиятимизда солиқ бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларни ўз вақтида тўлашнинг халқ фаровонлиги ва юрт равнақи йўлидаги аҳамияти хусусидаги билимларини оширишга хизмат қилган бўлса, ТДЮИ ўқитувчиси У.Ҳусановнинг «Одам савдоси юзасидан ҳуқуқий асослар моҳияти» ва мазкур институт талабаси Б.Илҳомжоновнинг «Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» ҳақидаги маърузалари бугуннинг долзарб муаммоларидан бирига айланган мазкур масалалар борасида батафсил маълумот олишларига имкон яратди.

Тадбирда кўтарилган долзарб мавзулар моҳиятини қамраб олган видеолавҳалар намойиши унинг янада таъсирчанлигини оширди. Унда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Тадбир ниҳоясида фаол қатнашган иштирокчилар Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**М.МУТАЛИБОЕВА,**
**Г.УМАРАЛИЕВА**

## Олти мингта янги иш ўрни очилди

### ШУНДАН 559 ТАСИНИ КАСАНАЧИЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ

БАНДЛИК

***«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан бири — бу янги иш ўринларини яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга асосий эътибор қаратишдир. Бу борада Пастдарғом тумани Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ҳам қатор ишлар режалаштирилди.***



**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Жаҳон миқёсида кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарши чоралар кўришда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти каттадир. 2009 йилда режага асосан туманда 5780 та иш ўрини яратиш белгиланганди. Йил якунига кўра 6015 та янги иш ўрини яратилди. Иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 238 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, улардан 40 нафари 3 томонлама шартномага асосан Гўзалкент ва Жума қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида тикувчилик касби бўйича қайта ўқитилди.

- «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да туман ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида беш маротаба «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Ярмаркаларда 121 та корхона ўзларида мавжуд бўлган 320 та бўш иш ўрини билан қатнашдилар,- дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори Абруй Жуманов.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида туманнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган корхона ва хўжаликларда 559 та касаначилик иш ўрни яратилди. Жумладан, Жума пахта тозалаш заводида ўтган йили жами 70 та касаначилик иш ўрини очилиб, шунинг 45 нафарини хотин-қизлар ташкил қилди. Феруза Қаршиева, Наргиза Примова, Умида Бекназарова, Хуршида Аннаева касаначилик асосида иш билан таъминландилар. Иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, иш берувчилар ҳамда иш изловчилар орасида алоқаларни кенг йўлга қўйиш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази жамоасининг асосий иш режасига айланган.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

***Юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг маънан баркамол, жисмонан соғлом, ҳар томонлама етук инсон бўлишларини таъминлаш энг устувор вазифалардан саналади.***

## Соғлом фарзанд – соғлом келажак

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**



Зеро, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар замирида ҳам келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун имконият яратишдек эзгу мақсад ҳукмрон. Оилада соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш жисмонан баркамол авлодни камол топтириш борасида амалга оширилаётган ана шундай хайрли, эзгу мақсадлар туфайли юртимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам она ва бола саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилувчи замонавий шифо масканлари, скрининг ва перинатал марказлар, репродуктив саломатлик муассасалари фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Яқинда Сирдарё вилоятининг марказдан олис ҳудудларидан саналган Оқ олтин туманида янги замонавий туғруқхона ўз фаолиятини бошлади. 40 ўринга мўлжалланган бу янги тиббиёт масканини Ҳамид Тўрақулов бошчилигидаги «Пайвандчи» масъулияти чекланган жамият қурувчилари қисқа фурсат ичида бунёд этдилар. Шифо масканини қуриш, уни энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш учун 220 миллион сўм маблағ сарфланди.

Янги мажмуанинг ишга туширилиши катта тантанага айланиб кетди. Тадбирда сўзга чиққанлар қишлоқ аҳлига шундай шарт-шароит яратиб бераётган ҳукуматимиз раҳбарларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

- Мамлакатимиз Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан сўнг юртимизда соғлом турмуш тарзини камол топтириш, она ва болаликни муҳофаза этишга эътибор кескин кучайди, - дейди янги туғруқхонанинг акушер гинекологи Дилором Шокирова. - «Баркамол авлод йили»ида туманимиз аҳлига яратилган бундай катта шароитдан барчамизнинг бошимиз кўкка етди.

- Репродуктив саломатликни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад соғлом наслни дунёга келтиришдир, - дейди шифохона бўлим мудири Хадича Усмонова. - Она соғлом бўлса фарзанд соғлом бўлади. Шу боис, биз шифокорлар оилада тиббий маданиятни оширишга катта эътибор қаратаяпмиз. Туғиш ёшидаги аёллар билан турли хасталикларнинг олдини олиш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз.

## САНЪАТ

***«Баркамол авлод йили» муносабати билан М.Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида болалар ёзувчиси Анвар Обиджон асари асосида тайёрланган «Қўнғироқли алдоқчи» номли мусиқали эртак спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.***

# Тақдимот

Мазкур асарда кўтарилган яқин дўстларнинг қадрига етиш, уларни доимо ардоқлаш сингари фазилатлар ҳайвонлар образи орқали болалар эътиборига ҳавола этилмоқда. Театр томошаси давомидаги мусиқий жўшқинлик, саҳна декорациялари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Азамат Рўзиқулов, Шаҳобиддин Каромов, Толмас Жалилов, Шерали Шониёзов ҳамда Нафосат Шойқулова сингари ёш истеъдод эгаларининг моҳирона ижролари асар мазмунини янада теранроқ тушунишга имкон беради.

Тақдимот маросимида режиссёр Фарҳод Бойназаровнинг дастлабки ижод маҳсули муваффақиятли чиққани эътироф этилди.

**Ҳусан БУРҲОНОВ**

## ТАНЛОВ

***Яқинда А.Бакиров номидаги Андижон вилояти Ёшлар театрида «Наврўз ялласи-2010» ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг республика фестивали ўтказилди.***

# Наврўз ялласи

«Наврўз ялласи» танловида ўз дастурларини юқори даражада намойиш этган Булоқбоши тумани бадиий ҳаваскорлик жамоаси 1-ўринга сазовор бўлди. 2-ўрин Олтинкўл туманининг «Олтинкўл ғунчалари» болалар гуруҳига, 3-ўрин эса Пахтаобод тумани марказий маданият уйи бадиий ҳаваскорларига насиб этди. Тадбирда вилоятнинг Жалақудуқ, Асака, Балиқчи тумани жамоалари ҳам фаол иштирок этишди.

Вилоятда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг фестивали ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Мазкур тадбирда 14 та туман, 4 та шаҳардан ташриф буюрган жами 18 та фольклор гуруҳи рақс, эстрада ва анъанавий қўшиқчилик бўйича ўз ижро маҳоратларини намойиш этди. Айниқса, Хўжаобод, Асака, Булоқбоши, Олтинкўл, Марҳамат, Пахтаобод, Избоскан, Андижон тумани, Асака ва Қорасув шаҳарлари иштирокчиларининг дастурлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

«Фольклор жамоалари» йўналиши бўйича Қўрғонтепа туманининг «Бедона» жамоаси, «Ҳудудга хос бўлган дастур» йўналиши бўйича Булоқбоши тумани жамоаси, «Анъанавий қўшиқ ижрочилиги» бўйича Избоскан туманидан Адолат Қўлдошева, «Чолғу ансамбли» йўналиши бўйича эса Шаҳрихон туманининг «Чашма» ашула ва рақс халқ ансамбли чолғучилари ғолиб деб топилди. Бундан ташқари, «Болалар жамоаси», «Рақс», «Эстрада» каби йўналишларда ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

# НИГОҲ

## ИСТЕЪДОД

***Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор туфайли йигит-қизларимиз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қаҳрамонимиз Умида Сувонова ҳам ана шундай ёшлар сирасидан.***



# Чанқовузда куйлаган қиз

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Умида Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида туғилган. Зеҳни ўткир бу қизалоқ мактабдаёқ билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги туфайли устозлари назарига тушди.

- Умида тенгдошлари орасида, уқувлилиги билан ажралиб туради, - дейди синф раҳбари Сайида Худойназарова. - Дарс давомида берилган топшириқ ва вазифаларни аъло даражада бажаради. У ёзган иншоларни ўқиш мароқли. Ҳар бир мавзуга ўзгача ёндашиши, айниқса, адабиётга шайдолиги ҳали ёш бўлишига қарамай қўлига қалам тутқазди.

Ҳа, доно халқимиз «Бўладиган бола бошидан маълум» деб бежиз айтмаган. Энди 17 баҳорни қаршилаган бу қизнинг «Камалак жилоси», «Тупроғингдан айланай, Ватан!» номли шеърий китоблари чоп этилган. Умида бадиятга ошнолик билан бирга компьютер технологиясини ҳам тўлиқ ўзлаштирган. Она тили, рус, инглиз тиллари ва адабиёти фанлари бўйича фан олимпиадаларига мунтазам қатнашиб, 1 ва 2-ўринларни эгаллаб келмоқда. Бундан ташқари, спортнинг енгил атлетика ва стол тенниси билан ҳам шуғулланади. Мактабда ўқиш билан бир қаторда қаҳрамонимиз «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Сурхондарё вилоят вакиллик маркази, «Ёшлар» телестудияси томонидан тайёрланадиган «Янги авлод-2008», «Келажак овози-2008», «Мозийдан садо», «XXI аср технологиялар асри», «Сурхон дурдоналари» каби ўнлаб кўрсатувларга муаллифлик қилган.

Умида 2008 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган «Келажакка интилишим» мавзусидаги расмлар танловида «Қалам сеҳри», «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида 1-ўрин соҳибаси бўлиб, ота-онаси ва устозларини бениҳоя қувонтирди. 2009 йилда «Энг улуғ, энг азиз» танловининг вилоят босқичида 3-ўринни қўлга киритган Умида худди шу йили «Келажак овози» Республика ёшлар мега-танловининг «Адабиёт ва публицистика» номинациясида публицистика йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Умида Сувонова бундан ташқари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси васийлик кенгаши томонидан «Келажак овози» ёзги ўқув оромгоҳларидаги ташаббускорлиги учун Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясининг «Ёш журналист кадрларнинг малакасини ошириш, улар иштирокида ёшлар ҳаётини кенг ёритувчи телемаҳсулотлар тайёрлаш» лойиҳаси доирасида тенгдошлари ҳаётини кенг ёритди. Шу билан биргаликда Умида вилоятнинг «Ишонч» ва «Адолат» телевидениеси ижодий жамоаси билан ҳамкорликда ёшлар ҳаёти билан боғлиқ «Тест вариантлари», миллий чолғу асбобларимиздан «Чанқовуз»ни чалиб намойиш этди. Чанқовузнинг торларида жўшқин ёшликни, ёрқин келажакни тараннум этган бу қиз унинг тарихига ҳам қисқача тўхталиб ўтди.

- Чанқовуз энг қадимий миллий чолғу асбоби ҳисобланади. Уни чўпонлар суякдан ясаганлар, тоғ-тош, дала-қирларда дарду қувончларини, ўй-хаёлларини куйга солиб чалиб юрганлар. Чанқовузлар кейинчалик мисдан ишланган ва аждодларимиздан бизгача етиб келган, - дейди Умида.

Унинг ижод намуналари «Жануб вақти», «Адолат тарозиси», «Сурхон ёшлари», «Термиз оқшоми» каби вилоят газеталарида чоп этиб келинмоқда.

Умиданинг айниқса, қадриятларимиз, юртимиздаги тарихий обидалар ҳақида ҳужжатли фильмлар тайёрлаб эфирга узатгани таҳсинга лойиқ. Худди шундай руҳ унинг шеърларида ҳам акс этади:

*Дунё лол то ҳануз матонатига,*
*Ақлу ҳам идроки, заковатига.*
*Қасоскор қаҳрига, ҳам шафқатига,*
*Тирикдир Тўмарис - миллатнинг қизи.*

Умидахон қизларимиз ҳам Тўмарисдек шижоатли бўлишларини, юрт шаънини куч ва имкониятлари даражасида ҳимоя қилишларини истайди ва шунга даъват этади.

## ВОҚЕА

***Баланд тоғ этакларида жойлашган фермер хўжалиги қўйчивонлари оғзидан «Бўрининг қулоғи овда. Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас», деган ибора тушмайди. Яхшиям, чорвоқлик Файзи мерган бор, унча-мунча хавфни бартараф этиб туради.***

# Тўсиқ



Файзи мерган чўпонларнинг мўъжазгина уйчасига кираркан:

- Марҳамат қилиб тоғ инъомларини қабул қилинг, - деди ва қўлидаги бир боғ жамбилу нордон мевали буталарни дастурхон чеккасига қўйди.

Хонани бирпасда ёқимли ҳид эгаллаб, чўпонлар кўнглидаги ғубор бироз тарқагандай бўлди.

Уйчага кираверишдаги ўчоқда қумғон шақирлаб қайнар, суви чўққа сачраб чарсилларди. Меҳмон бир пиёла чой устида ферма жамоасининг шу кеча-кундуздаги юмушлари билан қизиқди.

Содиқ амаки бошлиқ фермер хўжалиги ҳисобида бир уюр йилқи, юз чоғли қўй ва ўнта сигир бўлиб, жамоа давлатга ҳар йили катта миқдорда гўшт ва сут топширади. Ниҳоят, мавриди келиб фермер қурол ва ўқ-дорининг камчиллиги туфайли йиртқичлар фаоллашиб, тинчлик бермай қўйганидан гап очди. Уч-тўрт кун илгари ҳам тонг саҳар уюрдаги йилқиларнинг безовта кишнаши ва туёқларининг дупур-дупурига қарамай бўрилар уч кунлик қулунни нимталаб кетишди. Айниқса, тунда дарё бўйида қолиб кетган ғунажиннинг дом-дараксиз ғойиб бўлгани молбоқарларни ҳангу манг қилиб қўйди. Изламаган жойлари қолмади. Охири жониворнинг лоши бутазорлар орасидан топилди. Шу-шу, жамоа чорвани эҳтиётлаш мақсадида тунда навбатчилик қиладиган бўлди.

Мерган дастлаб ферма теварагини синчиклаб ўрганди. Йиртқичлар ошиб ўтадиган тўсинлар ёнига қопқон ўрнатди. Ўйлай-ўйлай охири вилоят овчилар жамиятининг рухсатномаси билан йиртқичлар юрадиган йўлларга заҳарланган гўштни хўрак қилиб қўйиб чиқди. Лекин, қоринлари таталаб туришига қарамай махлуқлар хўракка яқинлашмади. Кексалар изоҳ беришди: бўрилар эски озиққа қайрилиб ҳам қарамайди.

Қуёш энди ётоғига бош қўйганида овчи билан Нарвон тоғи ошувидан ўтарканмиз, ёлғизоёқ, тупроқ йўлда йиртқичларнинг янги изларига кўзимиз тушди. Харсанглар панасига беркиниб, уларни пойлай бошладик.

Қуёш бўй кўрсатганда Осмонсой текислигидаги шувоқзорга уловни арқонларкан, този итларининг келиб қолганидан овчининг ҳафсаласи пир бўлди.

Кутилмаганда дарахтлар орасидан қашқирнинг хириллоқ товушда увиллагани эшитилди. Биз эҳтиёткорлик билан дарахтлар оралаб борарканмиз, ёлдор бўрининг ёнида бир неча йиртқич чўнқайиб ўтирганининг гувоҳи бўлдик. Шунда овчи ҳайт деганча бирин-кетин бешотарнинг тепкисини босди. Бироқ ўқ нишонга тегмади. Йиртқичлар узоқлашгач, биз уларни таъқиб қилишга тушдик. Кейин пайқаб қолдим: ёлдор бошқа бир дарахт тагига бориб чўнқайган экан. Овчи дарахтларни оралаб йиртқичнинг важоҳати ва асабийлашганини кўргач, уни нишонга олишга юраги дов бермади.

- Куз охирлаб ҳаво бирдан совиб кетди. Тунда эсган шамол этни жунжиктиради. Овчи йиртқичлар юрадиган йўлларни қайта кўздан кечираркан, йўлнинг икки ён тарафига оқ байроқчалар ўрнатиб чиқишни топшириб, ўзи сой этагига бир неча қопқон ўрнатиш тараддудини кўра бошлади. Тўрткўз лақабли итимиз билан теваракни кузатиб турганимизда қишлоқдан овчилар ёрдамга келиб қолишди. Вақт тиғиз. Энг муҳими, зиммамизда байроқчалар оралиғида ўтадиган йиртқичлар сой этагигача ҳайдаб боришдек муҳим вазифа турарди.

Шовқин-сурон остида йиртқичларни тоғдан пастга ҳайдай бошладик. Аввалига улар байроқчаларга параллел равишда сой этагига қараб бораётганидан овимиз бароридан келадигандек суюндик. Ёлдор сойга яқин қолганда тўхтаб биз томон ўгирилди ва чап бериб кетди. Қолган йиртқичлар ҳам унинг ортидан эргашди. Ана, холос. Улар нимадан чўчиди экан?

Қопқонлар ўрнатилган жой қайта кўздан кечирилганда ҳаммаси ўрнида эканининг гувоҳи бўлдик. Лекин ёлдор байроқчаларга параллел равишда бораркан, сой этагига етаверишда икки марта сапчиб ортига бекорга қайтмаганди. Демак, илгари ҳам бу ҳудудда бирор кор-ҳол рўй берган.

Биз йиртқичларни итлар ёрдамида йўлга солиб яна ҳайдай бошладик. Лекин ҳар гал сой этагига яқинлашганда ёлдор оловга тушиб қолгандай сапчиб кетарди.

Биз фермахона отбоқари билан эгри-бугри йўл бўйлаб энди юқорига кўтарилганимизда тоғларни ларзага солувчи ўқ овози қулоқни қоматга келтирди, кейин эса «қўлга тушди» деган таниш овоз эшитилди. Етиб борганимизда ёлдор бўри ер тишлаб ётарди. Қолганлари отилганди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас. Уларнинг қорнини ёриб кўрганимизда қўй думбасининг бўлаклари чиқди. Ҳашпаш дегунча уларнинг терисини ажратдик. Кейин уйча шифтига осиб қўйдик.

Маълум бўлишича, ёлдор илгари ҳам олд оёғидан бир неча бор қопқонга тушиб жароҳат олганидан суяги синиб, ўсимта ҳосил бўлган экан. Афтидан, қаттиқ оғриқ ва таҳлика ёлдор бўрининг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолганди.

**Абдулла САИДОВ**

## ЎГИТ

**Сен калитсиз ҳам эшик очгум дема,**
**Кибр ила мақсадга ёндошгум дема.**

* * *

**Жумла оламга тилар эрдик сабр,**
**Чунки сабр этмак — чароғу шуъладир.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

## БИЛАСИЗМИ?

Кентукки штатининг Мамонтов миллий боғи ҳудудида сайёрамиздаги энг узун ғор тизими мавжуд экан. Айтишларича, ғор табиий географик жараёнлар таъсирида пайдо бўлган. Унинг умумий узунлиги 560 км.ни ташкил этади.

* * *

Хитойнинг Хэнань ҳудудидаги будда ҳайкали дунёдаги энг баланд ҳайкал ҳисобланади. Spring Temple Buddha номли ушбу ҳайкал 2002 йилда қурилган бўлиб, унинг баландлиги 128 метрни ташкил этади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Дунё бўйлаб саёҳат



***Швейцариялик муҳандис Марк Мюллер ўзи яратган ажойиб транспорт воситасида дунё бўйлаб саёҳат қилишини маълум қилган.***

Маркнинг таъкидлашича, бу транспорт воситасига ҳеч қандай ёқилғи керак эмас, у қуёш батареяси ҳамда шамол генератори ёрдамида ҳаракатланаркан. Энг қизиғи, машина кундузи қуёш панели ёрдамида кечаси эса машинанинг аккумулятори шамол генератори таъсирида ишлайди. Муаллиф саёҳатга эрта баҳорда чиқишини ҳамда 30 та мамлакатни, яъни 40 минг км.ни мана шу машинада босиб ўтишини эълон қилди. Маркнинг асл мақсади, янги энергия манбаининг имкониятларини ушбу транспорт воситаси орқали оммага намойиш этиш экан.

# Неолит даврининг жарроҳлари




***Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, эрта неолит давридаёқ одамлар жарроҳлик операцияларини муваффақиятли бажаришган.***

Олимларнинг бундай хулосага келишига, Париж шаҳридан 64 км. узоқда жойлашган Бютье-Биланкур ҳудудидан топилган қадимги қабр сабабчи бўлган. Мутахассислар қабр етти минг йиллик тарихга эга дейишмоқда. Шунингдек, у ердан елка қисми жарроҳлик йўли билан кесилган қари кишининг суяк қолдиқлари топилган. Тадқиқотчиларнинг айтишича, бу жарроҳлик операцияси ўз даврида ниҳоятда муваффақиятли ўтказилган, ҳатто ярага бирон бир инфекция ҳам тушмаган экан.

# Олтин фотокамера

***Фотокамера ишлаб чиқарувчи машҳур Leica компанияси ХХРнинг 60 йиллигига бағишлаб фотокамеранинг махсус моделини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.***



Компания ходимининг айтишича, MP Golden Camera Limited Edition номли камеранинг корпуси 24 карат олтин билан безатилган бўлиб, ҳар бир моделга «Яшасин Хитой Халқ Республикаси» деган ёзувлар битилар экан. Leica янги фотокамерани яқинда чегараланган тиражда, яъни 60 нусхада ишлаб чиқаришини маълум қилган. Ҳар бир фотокамеранинг нархи тахминан 30 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланмоқда.

# Кемадаги хазина

***Яқинда япониялик ҳамда туркиялик тадқиқотчилардан ташкил топган гуруҳ сув остидан 120 йил аввал Кушимото ҳудудида чўкиб кетган кемани аниқлашган.***



Археологлар 1890 йилда тайфун оқибатида чўкиб кетган «Эртугрул» номли кемадан Британиянинг олтин ҳамда Япониянинг кумуш тангасини топишган. Мутахасссисларнинг айтишича, сув остида ҳали «хазинанинг ўзгинаси» деб айтишга арзигулик олтин ва кумуш тангалар бўлиши мумкин.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади**

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши партия Шайхонтоҳур туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилшод Исомитдиновга акаси

**Даврон ИСОМИТДИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 124, Адади — 5116

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.40.

1 2 3 .5